O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nashri

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil 28-may payshanba

№ 17 (4455)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz



Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

## ЧЎЛПОННИ ВА УНИНГ АСАРЛАРИНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК!



Ўзбек адабиётининг атоқли намояндаларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов — Чўлпон мустақиллик йўлида жон фидо қилган, мустамлакачиларга нафратини ошкора изҳор этган жасур маърифатпарвар жадидчи ҳамда катта истеъдод соҳибидир. Чўлпон эҳтиросли ва ёрқин асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, унинг янгича маънавиятини шакллантиришда катта хизмат қилди ва чин маънода умумхалқ шоири, миллий санъаткор даражасига кўтарилди.

Президентимиз «Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодини ёшларга чуқурроқ ўргатиш зарур», деганларида, ўзбек халқининг кўнглидаги туйғуларни ифодалаб, улуғ аждодларимизга, хусусан, Чўлпонга жуда катта баҳо берди. Бугунги хавф-хатарлар шундоқ ҳам безовта дунёнинг ташвишларини кўпайтираётган таҳликали даврда, буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш орқали ҳар қандай таҳдидларга нисбатан сабот ва шижоат билан тура оламиз. Масалан, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романини ёшларга чуқурроқ ўргатиш кишини кеча, бугун ва эрта ҳақида, инсон умрининг мазмуни тўғрисида фикрлашга ундаши шубҳасиз. Бу эса курсант ва тингловчилар маънавиятини шакллантиришда муҳим маънавий қурол бўлиб хизмат қилади. Чунки бугунги тезкор замон ходимдан янгиликларга зийраклик ва эпчиллик билан мослаша оладиган, албатта, юксак маънавиятли ҳамда ходимга хос бўлган ҳалоллик, чидамлилик, мардлик, юксак маънавиятлилик, метин интизом каби сифатларга эга бўлишни талаб этмоқда.

*(Давоми 2-бетда).*

РЕПОРТАЖ

**ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ УЧУН УЛАР ТУНДА ҲАМ БЕДОР**



4

АСПЕКТ ПРОФИЛАКТИКИ



6

**«Помогать людям – моя работа»**

КЎНГИЛГА ТАШРИФ



13

**«КУМУШ РОЛИ МЕНГА ТАҚДИРНИНГ ТУҲФАСИ»**

ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

**Поощрение достойных**



18

# ЧЎЛПОННИ ВА УНИНГ АСАРЛАРИНИ ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК!

**Баҳодир МАТЛЮБОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант.**



*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Чўлпон меросини чуқур ўрганиш Янги Ўзбекистон равнақи йўлида бир тану бир жон бўлиб, ҳақиқий ватанпарварлик, фидойилик, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб хизмат қилиш қобилиятини янада мустаҳкамлайди. Ёшларни мустақил ва янгича фикрлашга, бадиий образлар тимсолида чин инсоний фазилатларга эга бўлишга ундайди.

Ижодини 1913–1914 йиллардан бошлаган Чўлпон ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида миллий адабиётимиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Ўз халқининг бахти, юрт келажаги, мустақиллиги, озодлиги йўлидаги курашнинг адабий солномаларига айланган икки юздан ортиқ шеърий асарлар яратган етук лирик шоир, айни пайтда, йирик носир сифатида ўнлаб публицистик мақолалар, очерк ва ҳикоялар, «Қор қўйнида лола», «Ёв» қиссаларини нашр эттирган истеъдодли адиб ҳамдир. Ўзбек халқининг XX аср бошларидаги ҳаётини бадиий гавдалантиришни мақсад қилиб қўйган Чўлпон «Кеча ва кундуз» романида Туркистоннинг зулмга, жаҳолатга, адолатсизлик ва ҳақсизликка тўла турмушини очиб берган.

Чўлпон драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. Унинг «Халил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби етук драмалари ҳамда кўп вақт саҳнадан тушмаган «Ёрқиной» пьесалари машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В. Ян билан ҳамкорликда «Ҳужум» драмасини яратган.

Адабий танқид соҳасида «Шўро ҳукумати ва садои нафиса», «Адабиёт надур?» каби мазмунли мақолалар яратган адиб моҳир таржимон сифатида М. Горькийнинг «Она», А. Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» каби пьесаларини ҳамда В. Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет»ини ўзбекчага ўгирган.

Афсуски, Чўлпон ҳам халқимизнинг бошқа кўпгина асл фарзандлари каби, қатағон қурбони бўлди: 1937 йил 14 июль куни Чўлпон қамоққа олинади. Ҳеч қандай далил-исбот бўлмаса-да, унга «халқ душмани», «миллатчи», «аксилшўровий» деган айблар қўйилиб, бир йиллик даҳшатли қийноқлардан кейин 1938 йил 4 октябрь куни отиб ташланади.

Унинг асарларини нашр этиш, нашр этилганларини ўқиш ва умуман Чўлпон номини тилга олиш қатъиян тақиқланди. Бу аҳвол 1956 йилгача давом этади. Сталин кирдикорлари фош қилингандан сўнг Чўлпон бутунлай оқланади, аммо шундан кейин ҳам бу улуғ адиб яна 30 йил мобайнида рўшнолик кўрмайди. Унинг асарлари нашр қилинмади, ижоди ўрганилмади, уни адабиётдаги ўз ўрнига қайтариш иши пайсалга солиб келинди. Негаки, ҳамон ҳукмронлик қилишда давом этаётган коммунистик партия Чўлпонни ва унга ўхшаган зиёлиларни ўзининг ашаддий мафкуравий душмани деб билар ва улардан ўтдан қўрққандек қўрқарди. Фақат Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнггина Чўлпонга нисбатан йўл қўйилган адолатсизлик бархам топа бошлади.

Қисқа муддатда унинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни», «Адабиёт надур?» деган китоблари, уч жилдлик сайланма асарлари босилди, театр саҳналарида драмалари қўйила бошланди. «Кеча ва кундуз» романи асосида видеофильм яратилди, шоир тўғрисида турли-туман мақолалар ва рисолалар эълон қилинди, унинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи ҳужжатли фильм дунёга келди, мунтазам бўлмаса ҳамки, Чўлпон кунлари ўтказила бошланди, унинг ижоди ҳақида диссертациялар ёқланди.

1991 йилда чоп этилган бир жилдлик китобидан Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддинов қаламига мансуб Чўлпоннинг кенгайтирилган таржимаи ҳоли ва «Кеча ва кундуз» романи ўрин олган.

Америка Қўшма Штатлари фуқароси, таржимон Кристофер Форт ўзбекнинг жасоратли адиби Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» («Night and Day») асарини инглиз тилига таржима қилганлиги эътиборга лойиқ тарихий воқеадир. Мазкур янгилик юракларни ифтихорга тўлдиради. Бу миллатимизга бўлган ҳурмат ифодасидир. Бу таржима шоир ва буюк адиб Чўлпоннинг 120 йиллик юбилейига муносиб туҳфа бўлган эди.

Ҳозирги кунда Чўлпон номига нашриёт, кўча, маҳалла, кутубхона ва мактаблар қўйилган. Чўлпонга 1991 йил 25 сентябрда «Яна олдим созимни» китоби учун Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

Адабиётшунос Озод Шарафиддинов таъбирича, «Чўлпонни англаш — Ватанни, кўҳна Туркистонимизни Чўлпон кўзи билан кўриб, Чўлпон юраги билан сева билмоқдир. Бир сўз билан айтганда, Чўлпон ҳар бир адабиёт мухлисининг юрак мулкига айланмоғи шарт. Бунинг учун эса Чўлпон меросини янги тафаккур асосида бағрикенглик билан тадқиқ этмоқ лозим».



Шу ўринда Озод Шарафиддиновнинг китобсеварлик бобидаги қуйидаги фикрларига юзланамиз: «Табиийки, унинг китоблари (Чўлпон ва Абдулла Қодирий)ни ўқиш қатъиян ман қилинган эди. Аммо қуёш нурини ҳеч нарса билан тўсиб бўлмайди. Ҳақиқат йўлида айтилган оташин Сўз мангу яшайди. Бу Сўзнинг одамлар юрагига бориш йўлига ҳеч нарса ғов бўлолмайди. Ўша шароитларда ҳам Чўлпон ва Абдулла Қодирий асарларини яшириб ўқиган одамлар бўлган. Шахсан мен «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз»ни уруш йилларида — мактабда ўқиб юрган кезларимда ўқиган эдим. Бир ўзим эмас, бутун синф ўқиган эдик. Ҳозир бу китобларни қаердан топганимиз эсимда йўқ. Шуниси эсимдаки, ҳар қайси китоб бир болага бекитикча фақат бир кечага бериларди — эрталабгача ўқиб тугатиб, қайтариб бериш керак эди. Шуниси қизиқки, ҳаммамиз шунга улгурардик — кечкурун ўқишга бошлагандан кейин туни билан аллақанча нашъали ҳисларни ва изтиробларни кечириб, тонг саҳарлаб сўнгги саҳифани ёпардик. Биз, албатта, Қодирийнинг, Чўлпоннинг ҳам «миллатчи» эканини эшитгандик. Уларнинг «заҳарли ғоялари»га берилмаслик кераклигини ҳам билардик. Аммо мурғак онгимиз билан бу «заҳарли ғоялар» нимада эканини англаёлмас эдик. Романларни ўқий бошлаш билан уларнинг сеҳрига маст бўлиб, муаллифларнинг «миллатчи»лигини унутиб қўярдик».

Бугун Президентимиз раҳнамолигида китобларни чоп этиш ва уларни жойлардаги кутубхоналарга етказиш масаласи самарали йўлга қўйилди. Гап энди яратилаётган имкониятларга шукроналик қилиб, китоб дунёсидан оқилона фойдаланишда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «маданият ёшликдан, инсонни болалар боғчасида, мактабда китоб ўқишга ўргатишдан бошланади».

Шу боис бугунги кунда Президентимизнинг Мурожаатномаси ҳамда жорий йилнинг 20 май куни Адиблар хиёбонида билдирган фикрлари, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини кучайтириш, қобилият ҳамда истеъдодларини рўёбга чиқариш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Академияда бир қатор чора-тадбирларни, хусусан, Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган музей ташкил этиш, Ахборот ресурс марказини адиб асарлари билан бойитиш, саҳна кўринишларини, шунингдек, санъат ва адабиёт намоёндалари иштирокида Чўлпон ижодига бағишланган учрашувлар ташкил этиш, адиб асарлари асосида ватанпарварлик, фидойилик намуналарини ифода этувчи ўқув адабиётларини яратиш, у туғилган қишлоқ, маҳалла ва мактаб билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, Чўлпон ижоди намуналарининг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги вариантларини шакллантириш, шеърият кечасини ҳамда «Чўлпон асарлари билимдони» кўрик-танловини ўтказиш, Чўлпон ижодини ўрганиш ва тарғибот қилиш учун виртуал платформа яратиш, адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли фильм тайёрлаш, алоҳида бурчаклар ташкил этиш, курсантлар учун Чўлпон номидаги стипендияни жорий этиш, Тошкент шаҳри адиблар хиёбонида Чўлпон ҳаёти ва ижодига бағишланган сайёр машғулотлар (дарс) ташкил этиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш ни режалаштирдик.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, миллий тарихимиз ва адабиётимизда худди кечагидек, бугун ва эртага ҳам, Чўлпон сиймоси ҳақиқат ва поклик, мангу жасорат тимсоли сифатида тилга олинаверади. Унинг бетакрор асарлари эса бадиий дидимизни, миллий ўзлигимизни англашда ҳали узоқ даврлар оша беқиёс хизматлар қилажак.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

# ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Хоразм вилояти ИИБда Миллий гвардиянинг вилоят бўйича бошқармаси ҳарбий хизматчилари ҳамда вилоят Қўриқлаш бошқармаси ходимларининг касбий маҳорати ва билим савиясини оширишга бағишланган ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.**




Вилоят ИИБ ҳамда Миллий гвардия ҳудудий бошқармаси қўшма-режа дастурига асосан ўтказилган ўқув-семинар машғулотлари вилоят ИИБ ҲПБнинг етакчи мутахассислари томонидан олиб борилди. Карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилган ўқув машғулотларида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг мазмун-моҳиятини ўрганиш ҳамда мазкур қонунлар нормаларини хизмат фаолиятида қўллаш тартиби тўғрисида атрофлича сўз борди.

– Қонун ҳужжатларидан келиб чиққан ҳолда, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш», «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш», «Жамоатчилик назорати масканларидан самарали фойдаланиш усуллари» каби мавзуларда ташкил этилган машғулотлар ҳарбий хизматчилар ҳамда қўриқлаш бошқармаси ходимларининг билим, малака ва кўникмаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди вилоят ИИБ ҲПБ кадрлар гуруҳи инспектори, подполковник Сардор Пиржонов. – Машғулотларда юртимиз тинчлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам кенг муҳокама этилди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*



ҚИСҚА ХАБАРЛАР

## «Ҳимоя ордери» берилди

Янгиер шаҳар ИИБ ҲПБ ҲҚМБ катта инспектори, майор Ю.Бойматова Бинокор маҳалласи мутахассиси Н.Жиянбекова билан биргаликда ушбу маҳаллада яшовчи Қ.С. билан учрашди. У ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи доимий равишда унга тазйиқ ўтказиб келаётганлигини, ҳатто уйидан кўчага чиқариб қўяётганлигини билдирган эди.

Ўрганиш давомида фуқаро Қ.С.нинг турмуш ўртоғи айбига иқрор бўлиб, пушаймонлигини билдирди. У келгусида яна шундай ҳолат бўлган тақдирда, қатъий қонуний чора кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди ҳамда аёлга «Ҳимоя ордери» берилди.

**Достон ШАМСИДДИНОВ,**
**капитан.**
*Сирдарё вилояти.*

## Автоҳалокат ўлимга сабаб бўлди

Касби туманининг Қамаши қишлоғида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси аянчли якун топди.

Гап шундаки, шу қишлоқда истиқомат қилувчи М.Р. «Матиз» русумли 70 Т 981 JA давлат рақам белгили автомашинасини қишлоқнинг ички йўлида бошқариб кетаётиб, велосипедда йўлни кесиб ўтаётган фуқаро А.Р.ни уриб юборди. Бунинг натижасида А.Р. тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Афсуски, у шифокорлар томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан, дунёдан кўз юмди.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Қашқадарё вилояти.*

РАҒБАТ

# ШАРАФЛИ ХИЗМАТЛАР ЭЪТИРОФИ

**Яқинда Қоракўл туманида табиий офат оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этган бир гуруҳ ички ишлар органларида хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан, ички ишлар органларидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар **«Аъло хизматлари учун»** кўкрак нишони, фахрий ёрлиқ ва эсдалик қўл соатлари билан тақдирланди.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи билан ўтган давр мобайнида ўзларининг хизмат ва ватанпарварлик бурчларига садоқати, мамлакатни ҳимоя қилишда юксак ахлоқий-жанговар сифатлари ҳамда хизмат мажбуриятларини бажаришдаги касбий маҳорати, бенуқсон ҳарбий интизомини намоён қилганликлари учун бир гуруҳ осойишталик посбонларига III даражали **«Намунали хизмати учун»** кўкрак нишони топширилди.

Бундан ташқари, хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашиб, фаолияти давомида юқори натижаларга эришганлиги, мамлакатимизда кузатилаётган эпидемиологик вазиятда фуқароларни кутиб олиш, муассасаларга жойлаштириш, карантин объектларининг ишончли ҳимояланишини ҳамда ушбу ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ишларига муносиб ҳисса қўшганлиги учун яна бир гуруҳ ходимларига рағбатлантириш тариқасида эгаллаб турган лавозимининг унвон погонасидан бир погона юқори махсус унвонлар берилди.

Тадбирнинг Қоракўл туманида бўлиб ўтганида ҳам ўзгача маъно бор. Зеро, рағбатлантиришлар бугунги кунда Қоракўл туманида табиий офат оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатаётган ҳар бир ходимга ўзига хос руҳ бағишлади.

**Қувват ЯРАШОВ,**
**майор.**
*Бухоро вилояти.*

ИНСОНПАРВАРЛИК

# БЕБАҲО ИМКОНИЯТ

**Рамазон ва кечиримлилик – бу икки тушунчани бир биридан айро тасаввур этиш қийин. Сабаби, рамазон ойида азалдан хатолар кечирилади, гина-кудуратлар унут бўлади, уришганлар эса ярашади. Шунинг учун ҳам муборак рамазон ойига меҳр-оқибат, саховат айёми, дея таъриф беришади.**

Давлатимиз раҳбари «Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги фармонни айнан Рамазон ҳайити арафасида имзолагани ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш жоизки, ушбу фармон халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримлилик каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Фармонга мувофиқ, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган 258 нафар фуқаро афв этилди. Уларнинг 16 нафари асосий жазодан озод этилди, 101 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 24 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 117 нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди. Афв этилганларнинг 7 нафарини 60 ёшдан ошган эркаклар, 1 нафарини аёл, 7 нафарини чет давлат фуқаролари, 164 нафарини тақиқланган ташкилотлар иштирокчилари ташкил этади.

Озодликка чиқиб, Рамазон ҳайитини оиласи бағрида нишонлаган юртдошларимиз ва уларнинг яқинлари қалбида бугунги кун ҳар қачонгидан-да ўзгача бир яхши кайфият билан эсда қолиши табиий. Шубҳасиз, Юртбошимиз томонидан афв этилган инсонлар буни нафақат ишонч ва енгиллик деб биладилар, айни чоғда ҳаётини тўғри йўлга қўйиши учун бебаҳо имконият деб ҳам ҳисоблашади.

**ИИВ ЖИЭББ Ахборот хизмати.**

РЕПОРТАЖ

# ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ УЧУН УЛАР ТУНДА ҲАМ БЕДОР

***Юртимизнинг айрим ҳудудларида кучайтирилган, баъзиларида юмшатилган карантин ҳолати ҳамон давом этмоқда. Майдончаларда болажонлар шодон ўйнаяпти, кимдир оиласи билан сайрга чиққан, яна кимдир дўкондан ул-бул харид қиляпти. Шу лаҳзада чироқ-маёқчасини ёққанча, махсус товушда ҳаракатланаётган патруль-пост хизмати автомашинаси барчанинг эътиборини тортиши турган гап. Бундай пайтда билиб-билмай карантин қоидаларига амал қилмаётганлар хатосини тўғрилашга тутинади, эгри ниятли шахслар шаҳдидан қайтади, бошқалар эса янада хотиржам бўлади.***

***Бироздан кейин болалар майдончаси ҳам бўшайди, кўчаларда ҳеч ким қолмай, ҳамма уйида ором олишга чоғланади. Лекин шу вақтда ҳам халқимиз осойишталиги учун ички ишлар органларининг айрим соҳавий хизматлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари тунги хизматни давом эттиришади. Балки, бу уларнинг бурчи, барибир туни билан ҳеч нарсани қойиллатишмайди, дея хато ўйловчилар ҳам топилар. Аммо улар адашишади. Осойишталик посбонлари туни билан нималар билан машғуллигини билиш, айнан тунги хизматнинг қанчалик заҳматли эканлигини ҳис қилиш учун уларнинг хизматига гувоҳ бўлиш керак. Келинг, бир тун қандай ўтганию нималар бўлганига сиз ҳам гувоҳ бўлинг...***



**Кечки 19:30.** Саф кўригида иштирок этиб, бошлиқлардан керакли кўрсатмаларни олгач, патруль-пост хизмати ходимлари ўз йўналишлари бўйича хизматга отланди. Биз ҳам Миллий гвардия ҳарбий хизматчиси, сафдор Жаҳонгир Раҳмонов билан хизматга отланган Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходими, сафдор Улуғхўжа Ёқубовга ҳамроҳ бўлдик. Хизмат автомашинасида тунги хизмат жараёни, унда учраб турадиган турли ҳолатлар ҳақида суҳбатлашиб кетарканмиз, кутилмаганда навбатчилик қисмидан хабар келиб тушди. Унда айтилишича, Мирзо Улуғбек туманининг Мустақиллик маҳалласида номаълум шахс ўзига ўт қўймоқчи бўлаётган экан.

Патруль-пост хизмати бригадаси 1-батальон 1-отряди ходими, сафдор И.Сидиқов ва Миллий гвардия ходими, оддий аскар Ф.Шомуродов воқеа жойига зудлик билан етиб борганида, номаълум шахс ходимларни кўриб воқеа жойидан яширинишга ҳаракат қилади. Лекин ходимларнинг тезкорлиги натижасида бунинг уддасидан чиқа олмайди. У 2-сонли ИИБга олиб борилиб, шахси текширилганда эса, ушбу шахс Бухоро вилоятининг Қоракўл тумани Халқобод қишлоғида доимий рўйхатда турувчи К.У. эканлиги, муқаддам Жиноят кодексининг 164-моддасига асосан айбдор деб топилиб, озодликдан маҳрум қилингани, аммо жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлмасдан, Тошкент вилояти Бўка туманида жойлашган 43-сонли жазони ижро этиш муассасасидан қочганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

**Соат миллари 21:00га** яқинлашганида, Дўрмон йўли кўчасида спиртли ичимлик ичиб олган бир фуқаро атрофдагиларнинг ғашига тегаётгани, жамоат жойида юриш-туриш қоидаларини бузаётгани ҳақида хабар келиб тушди. Воқеа жойига етиб борганимизда, 25–30 ёшлардаги эркак оёғида базўр турар, ўзбекча-русча аралаштириб нималардир дерди.

Ҳудуд профилактика инспекторининг айтишича, ниқобсиз кўчага чиққан бу шахс карантин қоидаларига амал қилмай, йўлида учраган кишини гапга солган, у-бу нарса сўраган. Жамоат жойида бўлиш қоидаларини қасддан бузган.

Тартиббузар фуқаро яшаш ҳудуди бўйича 5-сонли ички ишлар бўлимига олиб борилди. Профилактик суҳбат ўтказиладиган бўлди.

**22:06.** Юнусобод тумани «Буюктурон» маҳалла фуқаролар йиғини Ниёзбек йўли 4-тор кўчасида гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноят юз бергани ҳақида хабар олинди. Ўша пайтда ҳудудга яқин жойда «Қорадори – 2020» тадбири ўтказилаётган, ППХ бригадаси ходими, сафдор Р.Патишев ва Миллий гвардия ходими, оддий аскар, сафдор Д.Жўраев хизмат қилаётган эди. Осойишталик посбонларини кўриб, бошқа томонга бурилиб кетган шахс уларда шубҳа уйғотди. Унинг олдини кесиб чиқиб, шахсини суриштиришди. Ярим кечаси нима иш билан кўчага чиққани сўралди. Аввалига у шунчаки дўконга чиққанини, энди уйига қайтаётганини таъкидлади. Лекин яшаш манзили Тошкент вилоятининг Зангиота туманида бўлган бу шахс алламаҳалда Юнусобод туманидаги дўконга чиқмаса керак, албатта. Холислар иштирокида унинг чўнтаклари кўздан кечирилганида, бекорга ходимларни чалғитмагани ошкор бўлди. Чўнтагидан қоғоз бўлагига ўралган, яшил рангли ўткир ҳидли қуритилган ўсимлик моддаси топилди.

Тезда баённома расмийлаштирилиб, топилган модда экспертизага берилди. Экспетиза хулосасига кўра, бу топилма 1,31 грамга тенг марихуана гиёҳвандлик моддаси эканлиги маълум бўлди. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

**Соат 23:35да** навбатчилик қисмидан келиб тушган хабар барча нарядларни яна оёққа турғазди. Юнусобод туманидаги Янгиқўрғон кўчасида қотиллик жинояти юз берганди. ППХ нарядлари воқеа жойига етиб борганида, тан жароҳати олган номаълум шахс ерда ётар, жароҳатидан қон оқиб турарди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан Республика шошилинч тез ёрдам илмий марказига олиб борилди. Лекин кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамасдан, у вафот этди. Шахсига аниқлик киритилганда, у Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани «Тоғайтемир» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи П.Н. бўлиб чиқди. Хўш, унга ким жароҳат етказган? Нима сабаб бўлган? Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Тезкор тадбирлар натижасида жиноят тезда фош этилди. Ўша ерга яқин ҳудудда жойлашган видеокузатув кўриб чиқилганда, марҳум билан яна бир киши бўлгани, улар спиртли ичимлик ичишгани, кейин нимадир бўлиб жанжал келиб чиққани ойдинлашди. Оқибатда қотил ошхона пичоғини П.Н.нинг қорин қисмига тиқиб, кейин қочиб кетган экан.

Видеокузатув камерасидаги сурати ва пичоқда қолган бармоқ излари орқали қотилликда айбланаётган шахс – Навоий вилояти Навбаҳор тумани «Янгийўл» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Э.Д.ни қидириб топишга киришилди. Кўп ўтмай, Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати бригадаси ходими, сафдор Ж.Икромбаев ва Миллий гвардия ходими, сафдор З.Маматовнинг тезкорлиги натижасида у қўлга олинди.

Шу куни ходимлар склероз касаллиги билан оғриган, ўз хонадонидан номаълум томонга чиқиб кетиб, бедарак йўқолган 1946 йилда туғилган У.Г.ни ҳам топиб, яқинларига топширишди.

Хуллас, тунги хизматга чиққан ходимларнинг вақти бесамар ўтмади. Ёрдамга муҳтожларга кўмак берилди, кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, айрим жиноятлар фош этилди. Бедарак йўқолган шахс топилиб, уйига қайтарилди. Бир тун улар билан хизматда бўлиб, турли вазиятларга гувоҳ бўлиб чиқарган хулосамиз шу бўлди: ҳар хил феъл-атвордаги шахслар билан мулоқотда бўлиб, турли кўнгилсиз ҳолатлар, асаббузарликларга қарамасдан, вазифасини сидқидилдан бажараётган ходимлар бор экан, тунларимиз осуда, халқимиз хотиржамдир.




**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

# НАВБАТДАГИ ЖИДДИЙ ҚАДАМ

**Қутбиддин БУРХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси
раиси.**



**Яқинда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.**

Ушбу қонуннинг қабул қилинишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги ПҚ–4006-сонли қарори билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сонли фармони билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» асос бўлди. Шунингдек, Кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «**Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги 2017 йил 11 августдаги ПҚ–3200-сонли қарори талабларидан ҳамда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқилди.

Қонун кучга киргач, Кодекснинг 11-моддасига («Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқи») мувофиқ, колонияда жазо муддатини ўтаётган маҳкумнинг ўз шахсий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган аризаси (хабар) олингандан сўнг, колония бошлиғи уни бошқа маҳкумлардан ажратган ҳолда колониянинг ҳудудидаги вақтинчалик хавфсиз жойга жойлаштиради. Шундан сўнг уч сутка ичида ариза (хабар) ўрганилиб, агар хавфсизлик чораси қўлланилиши керак бўлган тақдирда, маҳкумни айни шу турдаги бошқа жазони ижро этиш колониясига кўчириш чоралари кўрилади.

67-моддадаги («Тинтув ва кўздан кечириш») муҳим янгилик шундан иборатки, тинтув ўтказиш чоғида маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ва махсус воситалар қўлланилишини тақиқланади. Аммо маҳкумларнинг тинтувни амалга ошираётган ходимга, бошқа маҳкумларга нисбатан ёки ўзга шахсларга нисбатан ғайриҳуқуқий, хатти-ҳаракатларининг, шунингдек, маҳкумлар томонидан ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш ҳоллари бундан мустасно.

Кодексга «Рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби» деб номланган $102^1$-модда киритилмоқда. Унга кўра, бундан буён маҳкумларни рағбатлантириш масалалари жазони ижро этиш муассасалари тузилган комиссия томонидан кўриб чиқилади. Комиссия жазони ижро этиш муассасасининг ходимлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари орасидан камида саккиз нафар аъзодан иборат таркибда тузилади. Унинг таркибига жамоатчилик вакилларидан, қоида тариқасида, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) нинг минтақавий вакиллари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган вакиллари киради. Жамоатчилик вакиллари комиссия аъзолари умумий сонининг ярмини ташкил этиши керак.

Яна бир муҳим жиҳат, комиссия аъзолари рағбатлантириш учун тавсия этилган маҳкум билан унинг хулқ-атвори белгиланган мезонларга мувофиқлиги юзасидан суҳбат ўтказади. Комиссия қарори мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан, очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда, маҳкумни рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинади. Янги модда маҳкумни рағбатлантириш жараёни шаффоф, адолатли бўлишини таъминлайди.

Кодекснинг «Тарбия колонияларида жазони ўташ шартлари» деб номланувчи 125-моддасига эса вояга етмаган маҳкумларга ота-онаси ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан учрашувлар чекланмаган миқдорда берилиши ҳақидаги қоида киритилди. Илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни инобатга олиб киритилган ушбу норма жазони ижро этиш тизимида шахсни ахлоқан тузатишга ва жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, Кодекснинг 130-моддасига («Маҳкума ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар») маҳкума аёлларнинг вояга етмаган фарзандлари билан учрашиши учун қўшимча ҳуқуқларини янада кенгайтириш, муассаса ҳудудидан ташқарида болалар уйига жойлаштирилган вояга етмаган фарзандлари билан учрашувини ташкил этишга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, манзил-колонияда сақланаётганларга муассаса ҳудудидан ташқарида яшаш имконияти билан узоқ муддатли учрашувлар чекланмаган миқдорда берилади. Бундан ташқари, маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашишига ўзининг шахсини, қариндошлигини ёки васийлигини (ҳомийлигини) тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этган тақдирда, битта яқин қариндоши ёки васий (ҳомий) кузатувида йўл қўйилади. Маҳкума аёлларнинг вояга етмаган болалари билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди.




Янги таҳрирдаги 132-моддага («Болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш») кўра эса, маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда улар билан чекланмаган миқдорда мулоқот қилишга ҳақли бўлади. Бундан кўзланган мақсад маҳкума аёлларнинг колония ҳудудида жойлашган болалар уйида тарбияланаётган вояга етмаган болаларининг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишига шароит яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган юқорида қайд этиб ўтилган ҳамда бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш, бу борадаги умумэътироф этилган халқаро нормалар ҳамда стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш сари қўйилган навбатдаги жиддий қадам бўлади.

ТАДБИР

# «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак»

Хоразм вилоятида «Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак» шиори остида махсус тезкор профилактик тадбир ўтказилмоқда. Вилоят ИИБ бошлиғининг фармойишига мувофиқ ўтказилаётган тадбирдан кўзланган асосий мақсад белгиланган қарантин қоидаларига риоя қилган ҳолда намунали жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисалар ҳамда турли ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, тинчлик ва осойишталикка салбий таъсир этувчи омилларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат.

Тадбирда ички ишлар органлари ходимлари, миллий гвардия ҳарбий хизматчилари, «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳлари, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари ҳамда давлат органлари ва кенг жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этмоқда. Профилактик тадбир давомида бозорлар, турли муассасалар, корхона ва ташкилотлар ҳамда жамоат жойларида рейдлар ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилаяпти. Шунингдек, хонадонларда паспорт-виза ҳамда ов қуролларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш юзасидан текширишлар ўтказилмоқда. Муқаддам судланган, жиноят содир этишга мойил бўлган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда суҳбатлар олиб борилаяпти. Қидирувдаги жиноятчиларни излаб топиш бўйича тезкор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жойларда мақсадсиз дайдиб юрган, назоратсиз қолдирилган болалар ва ўсмирларни аниқлаб, уларни мўътадил ҳаётга қайтариш чоралари кўрилмоқда.



Олиб борилаётган бундай кенг кўламдаги профилактик тадбирлар натижасида жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олиниб, уларнинг камайишига эришилмоқда.

– Тадбир бошланганидан буён турли ҳуқуқбузарликлар содир этган 9 минг 235 нафар шахсга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи, полковник Сардор Раҳимов. – Шундан белгиланган қонун талабларини бузгани учун 35 нафар шахсга нисбатан маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Жиноят содир этиб, суд ва тергов органларидан қочиб юрган 4 нафар шахс қўлга олинди. Аввалги йилларда содир этилган 3 та жиноят фош этилиб, қонун устуворлиги таъминланди. Шунингдек, тадбир давомида ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалар аниқланиб, уларга тегишли ташкилотлар ва муассасалар ҳомийлигида кўмак берилаяпти.

Кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тезкор профилактик тадбир махсус кўрсатма берилгунга қадар давом этади.

**Сардор ПИРЖОНОВ,
подполковник.
Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.**
*Хоразм вилояти.*

**Муаллиф олган сурат.**

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

# ҒАМХЎРЛИК – ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ

**Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш маънавий ҳаётимизнинг муҳим бўлаги саналади. Зеро, нуронийларимиз фақатгина дуогўй эмас, балки энг яқин маслаҳатчи, ҳаётий тажрибалари асосида ёшларга тўғри йўл кўрсатувчи донишманд ҳамдир. Шу боис кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратиб келинади.**



Мамлакатимизда навқирон ёшлик йилларини тинчликосойишталикни таъминлаш йўлида фидо этган кўплаб Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийлари умргузаронлик қилмоқда. Улардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида фарзанду неваралари ардоғида истиқомат қилаётган меҳнат фронти фахрийси Валентина Иномжоновадир.

1926 йил Россия Федерациясининг Тамбов вилоятида туғилган Валентина опа 1951 йилда ўрта осиёлик Дадаш Иномжонов билан танишиб қолади. Ўша пайтда навниҳол, истараси иссиқ қиз собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлиги девонхонасида хизмат қилар эди.

Тақдир тақозоси билан орадан беш йил ўтгач, бахтиёр оила Тошкент шаҳрига кўчиб келиб яшай бошлади. Дадаш ака мамлакатимиз ички ишлар органларида турли масъулиятли лавозимларда самарали хизмат қилиб, юртимиз тинчликосойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб, полковник унвони билан пенсияга чиқди.

– Болаларим ва невараларим симосида умр йўлдошимни кўраман, – дейди В. Иномжонова. – Ҳозида суратларга боқиб, бирга ўтказган бахтиёр кунларимни хотирлайман...

Валентина опа бугунги кунда давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибордан мамнун. Архив суратларига боққан киши уларнинг давлатимизнинг кўплаб юксак мукофотларига сазовор бўлганини илғаши қийин эмас. Ўзбекистонга келиб, бу ерга она юртидай ўрганиб кетган Валентина опа пойтахтимиздаги Савдо расталари ишлаб чиқариш заводида турли лавозимларда 20 йил фаолият юритди...

Яқинда бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларнинг ҳонадонига ташрифидан Валентина опанинг кўзларида севинч ёшлари мавжланди. Бу мана шундай меҳр-оқибатли инсонлар билан бир юртда яшаш тақдирига битилганидан мамнунлиги ифодаси эди.

– Фахрийларимиз ва уларнинг оила аъзолари ҳолидан хабар олиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, – дейди туман ИИОФМБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Маҳмуд Умаров. – Бунда ёш ходимларнинг ҳам иштирок этаётгани жуда муҳим. Чунки бу шунчаки совға-салом бериш ёки уларнинг кўнглини кўтариш эмас, ота-боболаримиз томонидан ардоқланиб келинаётган миллий қадриятларимиз тимсоли ҳамдир.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИР

# СИЗ МАДАНИЯТЛИМИСИЗ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИ?

**Шу кунларда Фарғона вилояти ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ташаббуси билан вилоят ҳудудида «Йўл ҳаракати иштирокчиларининг маданияти ойлиги» махсус профилактик тадбир ўтказилмоқда.**



– Жорий йилнинг 11 май кунидан 10 июнь кунига қадар давом этадиган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад барча ҳаракат иштирокчиларининг йўлларда ҳаракатланиш маданиятини юксалтириш ва шу орқали йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришдан иборат, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант Элбек Қобилов. – Айни кунда ходимларимиз Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари билан ҳамкорликда транспорт воситалари ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов йўлларда иш олиб бормоқда. Улар тадбирнинг мақсадини аҳолига етказиш билан бирга, светофорлар, йўл белгилари ва чизиқларини кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришмоқда. Шунингдек, ҳаракат иштирокчиларига, хоҳ у пиёда, хоҳ велосипед ёки автомашина бошқарувчиси бўлсин, барчасига ҳаракатланиш маданияти тарғиб қилинмоқда.

Айтиш жоизки, дастлабки 10 кундаёқ тадбирнинг аҳамияти ва мақсадини аҳолига сезиларли даражада етказишга эришилди. Жумладан, махсус видеороликлар тайёрланиб, ОАВда, ижтимоий тармоқларда намойиш этилмоқда.

Пиёдалар ва ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига риоя этмасликнинг оғир оқибатлари акс этган 10 000 дона флаер тайёрланиб, шу кунгача 5000 нафардан зиёд ҳаракат иштирокчиларига тарқатилди. Аҳоли гавжум ва транспорт воситалари серқатнов жойларда ходимлар томонидан тарғибот ишлари мунтазам ташкил этиб борилмоқда.

Аммо шунга қарамай, йўлларда ҳаракатланиш маданиятига риоя қилмаётган, йўл-ҳаракати қоидаларини бузаётган фуқаролар учраб қолаётгани ачинарли. Бунга тадбирнинг дастлабки 10 кунида аниқланган ҳуқуқбузарликларни мисол келтиришимиз мумкин. Ҳайдовчилар орасида 156 марта светофорнинг тақиқловчи



ишорасига бўйсунмаслик, 1137 марта йўл белги ва чизиқларига амал қилмаслик, 1412 марта пиёдаларга йўл бермаслик, 1793 марта хавфсизлик камаридан фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланди ва тегишли тартибда маъмурий баённома расмийлаштирилди.

Тадбир давомида нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдларнинг ҳам ҳаракатланиш маданиятини оширишга жиддий эътибор берилляпти. Аммо тушунтириш ишларига қарамай, беписанд пиёдалар ҳам учраб турибди. Масалан, 10 кун давомида 31 нафар пиёда светофорнинг тақиқловчи чироғига амал қилмасдан ҳаракатланган, 309 нафар пиёда йўлнинг белгиланмаган қисмидан кесиб ўтган, 115 нафар пиёда эса йўл белгиларига амал қилмаган.

Эзгу мақсадни кўзлаб ўтказилаётган мазкур тадбир уюшқоқликда давом эттирилмоқда.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*
**Суратларда тадбир жараёнлари акс этган.**
**Муаллиф олган суратлар.**

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

**Бир устозимиз айтган эди: олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, агар тилимизни асраб қолиш ва ривожлантириш бўйича зарур чоралар кўрилмаса, эллик йил ичида у ўзининг илмий, адабий ва сиёсий мавқеини йўқотиб, уй ва кўча доирасида ишлатиладиган маиший тилга айланиб қолар экан. Маиший тил даражасига тушиб қолган тилнинг умри эса унда гапирувчи одамлар умри билан ўлчанади.**

# ТИЛИНГНИ АСРАСАНГ, ОМОНДИР БОШИНГ

Фитрат тилимизни «дунёдаги энг бахтсиз тил» деб бежиз номламаган. Чунки ўтмишда ҳам ўзимизнинг туркий ҳукмдорларимиз илмий доираларда араб, расмий ва адабий доираларда форс тилига устунлик бериб, туркий тилнинг иккинчи даражага тушиб қолишига сабабчи бўлишган. Яхшиямки, ўтмишда Ҳазрат Навоий сингари фидойи мутафаккирлар бор экан. Акс ҳолда, бу тилнинг ҳоли не кечиши ёлғиз Яратганга аён.

Ўзбек тили эндигина ўзининг мақомига эга бўла бошлаган бир пайтда халқимиз 130 йиллик қарамлик қисматини бошидан кечирди. Гоҳида «биз ҳали мустақилликка эришишдан аввал тилимизга давлат тили мақомини берган эдик» деб ғурурланиб қўямиз. Албатта, ўша даврда тилимиз учун бу мақомни олиб беришда зиёлиларимизнинг жуда катта фидойилиги, жасорати талаб этилган. Буни инкор қилмаймиз.

Аммо собиқ иттифоқ таркибидаги кўплаб республикалар биздан анча аввал бу мақомни қўлга киритишган. Жумладан, Арманистон ва Грузия иттифоқ таркибига кирган пайтларидан бошлаб, ўз миллий тилини давлат тили сифатида қонунан мустаҳкамлаб олишган. Озарбойжонда 1956 йилдаёқ давлат тили ҳақида қонун қабул қилинган.

Шу пайтгача «Давлат тили ҳақидаги қонун»имизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, бошқа давлатларнинг шу йўналишдаги қонунларига нисбатан «бағрикенг»лиги билан ажралиб келди. Ниҳоят тил сиёсатига ўзгартиш киритиш фурсати етди. Қонун талабларини бирмунча қатъийлаштириш бошланганида, турли норозилик садоларини эшита бошладик. Шундай бўлиши ҳам табиий эди.







Шу ўринда битта латифа эсга тушади: бир савдогар ҳар куни бозордан қайтишида йўлида ўтирадиган тиланчига икки тангадан бериб ўтарди. Кутилмаганда савдогар фарзандли бўлиб, оиласи кенгайди. Харажатлари кўпайди. Бир куни у йўлида ўтирган тиланчига бир танга ташлаб ўтганди, тиланчи ундан сўради: «Ҳа оғайни, ҳар доим икки танга ташлаб ўтардинг?» Савдогар кулиб жавоб берди: «Мен энди оилалиман, фарзандим бор. Рўзғор тебратишим керак. Шунинг учун энди сенга камроқ беришга тўғри келади» Шунда ҳалиги тиланчи: «Инсофинг борми, оилангни менинг ҳисобимдан боқасанми?» деган экан.

Яқинда Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига билдирилган айрим эътирозлар худди ўша иддаога ўхшаб кетади: «Бизнинг тилимизни чеклаш ҳисобига ўз тилингизнинг мавқеини оширманг!».







Аслида ҳеч ким бировни бошқа тилда гапиргани учун жавобгарликка тортмаяпти. Ҳеч кимнинг тили чекланиб, бизники осмонга чиққани йўқ. Агар мамлакатимизда қайсидир тил камситилган бўлса, бу ўзбек тилидан бошқаси эмас. Фақат мансабдор шахслардан давлат тили ҳақидаги қонун талабларига риоя қилиш сўраляпти, холос. Бунинг нимаси ёмон, нимаси ноқонуний?

Бор-йўғи янги таҳрирдаги моддада давлат органлари ва ташкилотларида иш юритишда давлат тили ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик мансабдор шахсларга нисбатан жарима солиш бўйича қўшимча киритиляпти, холос. Осмон узилиб ерга тушгани йўқ. «Пушкиннинг тилини тақиқлашяпти» деб айюҳаннос солишга ҳожат ҳам йўқ. Шунчаки, шу пайтгача тил борасидаги бағрикенглигимизга озроқ барҳам бериб, жавобгарликни қатъийлаштиришга интилиш айримларга малол келяпти. Аслида, дунёда ўз тилини ҳурмат қиладиган ҳар бир мамлакатда бу каби қонунлар бор ва унга ҳамма бирдек амал қилади.

Дунёга назар солинг: Францияда француз ҳам, африкалик ҳам, араб ҳам, хитойлик ҳам ўзаро мулоқот тили сифатида французча гапиради. Ҳолбуки, у ерда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғини француз бўлмаганлар ташкил қилади. Америкада оқ танли ҳам, қора танли ҳам, қизил танли ҳам, насроний ҳам, мусулмон ҳам, динсиз ҳам ўзаро инглиз тилида мулоқот қилади, расмий ҳужжатлар ҳам асосан шу тилда. Россияда рус ҳам, татар ҳам, чечен ҳам, ингуш ҳам, ёқут ҳам русча гапиради. Ҳатто мўъжазгина Грузияда ҳам гуржи тили мамлакат аҳолиси ўртасида асосий мулоқот тили саналади. Демак, ушбу мамлакатларда тилга бўлган эътибор юқори. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, қай миллат ё ирққа мансуб бўлишидан қатъи назар, давлат тилига ҳурмат билан ёндашади.

Бизда-чи? Бошқа миллатларни-ку қўя турайлик, ўзимизнинг она тилимизга етарлича ҳурмат кўрсата олмаймиз. Ўтган йили давлат тилининг ёнига иккинчи тилни тиркаш ташаббуси билан чиққанлар ҳам ўзимизникилар эди. Ўзимиз ҳурмат қилган она тилимизга бошқалардан иззат-икром кутмасак ҳам бўлаверади аслида.

Хуллас, 30 йиллик лоқайдлик, бепарволик етиб ортади. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қатъийлаштирадиган вақт етиб келди. Майли, ҳар тарафдан келаётган саслар ҳам вақти келиб тинади. Ўзбек тили бу аждодларимиздан минг йиллар оша бизга етиб келаётган энг гўзал, энг бой мерос. Уни ўзимиздан кейинги наслларга ҳам бекаму кўст етказайлик...

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**журналист.**

## *Маош ва ош*




***Маош деганда биз бугун ойлик иш ҳақини тушунамиз. Маош олдингми, маошинг қанча, деб сўраймиз бир-биримиздан. Аслида бу сўзнинг маъноси тириклик, ҳаёт кечириш, яшамоқдир. Ҳазрат Навоий ҳам «Маош айламак аждаҳо комида», дея бу сўзни худди шундай маънода айтганлар. Яъни, шоҳ ҳузурида унинг истак-иродаси билан яшамоқ аждаҳо оғзида тириклик қилмоқ билан баробар.***

***Биз англаган маош асли шу маъно ҳосиласи. Қадимдан давлат хизматидаги кишиларга маош тайинланган, яъни тириклиги таъминланган.***

***Бу сўзга ўзакдош бўлган маишатнинг қисмати ажойиб. Яшамоқ маъносидаги бу сўз бугун ўзбеклар орасида айш-ишратни билдирса, урду тилида сўзлашувчи ҳиндлар уни иқтисод маъносида ишлатар эканлар.***

***Биламизки, ҳинд, урду тилларида бизга таниш сўзлар кўп. Бу сеҳрли юрт хонандаларининг қўшиқларида муҳаббат, инсон, олам, осмон сўзларини эшитсак яйраймиз. Халқларимиз ўртасидаги асрий дўстлик ришталарини эслатиб туради бу жаҳонгашта сўзлар.***

***Яна унутмаслигимиз керакки, бизга таниш ҳамма сўзлар ҳам биз тушунган маънони англатмайди.***

***Агар Ҳиндистонга журналист сифатида борган бўлсангиз, зинҳор ба зинҳор камина мухбирман, дея кўрманг. Мен ярамас айғоқчиман, деган бўласиз.Чунки камина тубан, пасткаш маъносини англатади. Мухбир эса айғоқчи, жосус демакдир.***

***Яна бир маслаҳат, ҳиндистонлик дўстингизни ватанга таклиф қилмоқчи бўлсангиз, асло, сенга таклиф олиб келдим, ёки таклиф юбораман, деб айтманг. Негаки, таклиф сўзи кулфат келтиришни англатади.***

***У юртларда биров сизга хор-зор одамларни кўрсатиб, уларни ифлос деса ёки ифлосдан қутулиш ҳақида гапирса хаёлингиз бузилмасинки, гап қашшоқлар тўғрисида, қашшоқликни йўқотиш устида бораётган бўлади.***

***Ифлос ва муфлис сўзларини мумтоз адабиётимизда ҳам фақир, йўқсил маъносида кўплаб учратамиз.***

***Келинг, ёмон сўзларни четга суриб, ўзимизнинг ҳар жиҳатдан ёқимли маош сўзимизга қайтайлик.***

***Бу сўзнинг емак ва иш ҳақи маънолари бизга юнон тилидан кириб келган диета сўзининг икки маъносини эслатади. Диетани биз парҳез ўрнида ишлатамиз. Лекин аслида диета таом демакдир. Емакнинг ҳамма хили: қази-қарта ҳам, ёвғон шўрва ҳам диета ҳисобланади. Арслоннинг диетаси кийик, кийикнинг диетаси гиёҳ.***

***Қадимги Юнонистонда энг юқори давлат органи бўлган халқ мажлиси аъзоларига бериладиган иш ҳақи ҳам диета деб аталган.***

***Юнонча бу сўзнинг ҳаёт кечириш маъноси ҳам, тановул маъноси ҳам, маблағ маъноси ҳам арабча маошга мувофиқ келди. Энди бир савол қолди. Ўзимизнинг ош маош дан келиб чиққан эмасмикин ва ё, аксинча, ош сўзимиз плов сингари жаҳонгашта бўлиб араб юртига саёҳат қилмадимикан?***

***Бу масала ечимини билимдон тилшуносларимизга қолдириб, сўзимни нуқта билан эмас, каттакон савол белгиси билан тугатаман.***

**Эркин Воҳидовнинг «Сўз латофати» китобидан олинди.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЗАКОНОТВОРЧЕСТВО – ФАКТОР РАЗВИТИЯ

***«Демократические реформы – единственно правильный для нас путь».***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



**Алим МАТЧАНОВ,**
**доктор юридических наук,**
**подполковник.**



Законотворчество представляет собой процесс инициирования, принятия, одобрения и обнародования законов. Это не только особая форма государственной деятельности по разработке и установлению правовых норм, но и творческий процесс, который состоит из ряда последовательных этапов. Каждому этапу законодательного процесса корреспондируют обязательные требования, правила, процедуры и соответствующие им приемы, способы и средства.

Законотворчество непосредственно связано с подготовкой, внесением в законодательный орган предложений, рассмотрением и принятием нижней палатой законов, рассмотрением и одобрением законов верхней палатой, подписанием и введением в действие законов главой государства с соблюдением требований, правил и процедур, установленных Конституцией Республики Узбекистан, законами, регламентами обеих палат Олий Мажлиса.

**В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах предусмотрено дальнейшее усиление роли Олий Мажлиса в углублении демократических реформ и модернизации страны. В ней говорится о необходимости коренного повышения качества законотворческой деятельности, направленной на усиление влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ.**

Одним из основных этапов законодательного процесса в Республике Узбекистан является реализация права законодательной инициативы. В соответствии со статьей 83 Конституции нашей страны это право принадлежит: Президенту Республики Узбекистан; Республике Каракалпакстан, в лице ее высшего представительного органа государственной власти; депутатам Законодательной палаты Олий Мажлиса; Кабинету Министров; Конституционному суду; Верховному суду, Генеральному прокурору и реализуется посредством внесения законопроекта субъектами права законодательной инициативы в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Законодательный процесс регулируется Конституционными законами страны «О Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и «О Сенате Олий Мажлиса Республики Узбекистан». Порядок рассмотрения законов и постановлений в Парламенте урегулирован законами «О Регламенте Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан» и «О Регламенте Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан».

Законотворчество направленно на совершенствование законодательного процесса. Именно эту цель преследовал переход Олий Мажлиса на двухпалатную систему. Создание двухпалатного парламента способствовало принятию обоснованных и взвешенных решений и в целом повышению качества законотворческой работы, стало важным шагом на пути совершенствования высших органов государственной власти в соответствии с современными условиями.



Сегодня национальный парламент повышает эффективность своей работы. При Олий Мажлисе по инициативе Президента Шавката Мирзиёева создан Институт по изучению проблем законодательства с учетом передового международного опыта. Новая структура проводит научно-практическую, исследовательскую и информационно-аналитическую деятельность, содействует разработке проектов новых законов.

**Парламент страны как законодательный орган призван обеспечить эффективную правовую основу всех намеченных преобразований. Объявление 2020 года «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики» дало качественно новый импульс контрольно-аналитической и законотворческой деятельности депутатов Законодательной палаты и членов Сената Олий Мажлиса.**

С начала года депутаты нижней палаты ежемесячно выезжают в районы страны и в течение 10–12 дней изучают реальное положение дел на местах. Подобный механизм, безусловно, эффективен. Депутаты видят практическую реализацию принятых законов, а также проблемы и упущения. Все это учитывается в дальнейшей работе. К примеру, статья 223 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности устанавливала штраф за нарушение правил паспортной системы. Размер штрафа был достаточно высоким для малообеспеченных граждан. Депутаты тщательно изучили этот вопрос в ходе поездок в районы и инициировали внесение изменений в законодательство, направленных на снижение размера штрафа с уточнением его низшего предела.

Обнаружив проблему, депутатам необходимо осуществить техническую проработку законопроектов, изучить зарубежный опыт. Создание при Олий Мажлисе Института по изучению проблем законодательства стало эффективным средством повышения качества законотворческой деятельности, усиления влияния принимаемых законов на ход общественно-политических, социально-экономических, судебно-правовых реформ.

Правильная и рациональная организация законодательной деятельности определяется также уровнем взаимодействия обеих палат парламента. Между ними сегодня налажено тесное сотрудничество. Полномочия каждой из палат, выражающиеся в самостоятельном ведении своей деятельности по обеспечению качества и эффективности принимаемых правовых актов, достаточно отражены в действующем законодательстве.

Практика развития парламентаризма позволила выявить и сформулировать некоторые аспекты, на которые следует обратить особое внимание при совершенствовании механизмов законотворческой деятельности. При разработке и принятии законов необходимо сокращать количество отсылочных норм, повторов и дублирования, недопустимо употребление двусмысленных терминов, узковедомственного подхода. Особое внимание следует уделять прогнозной деятельности, отдавать предпочтение принятию отдельных законов в новой редакции, избегая неоднократного внесения в них изменений, поправок и дополнений.

Законотворчество в Узбекистане является постоянно развивающимся, научно-теоретическим и практически-творческим процессом, фактором развития общества, основной целью которого является защита прав, свобод и законных интересов граждан, конституционного строя, обеспечение верховенства закона, безопасности личности, общества и государства.

ТЕМА СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ

# СОБЛЮДАЕМ ЛИ МЫ ПРАВИЛА КАРАНТИННОГО ПЕРИОДА?

**За последние два месяца мы научились многому, в первую очередь, быть дисциплинированными. Ведь на кону наше здоровье, здоровье близких. Как бы ни было тягостно временами, мы неделями оставались дома, выходили на улицу только в случаях крайней необходимости. Средства массовой информации в один голос напоминали (кстати, продолжают делать это и сейчас), чем чревато нарушение карантинных правил, почему следует регулярно мыть руки, носить маску, соблюдать социальную дистанцию.**

Некоторые послабления карантинных ограничений, введенные в «желтых» и «зеленых» зонах, воспринимаются гражданами весьма позитивно. Однако не следует забывать, что коронавирус все еще витает над миром, представляя опасность для каждого из нас.

В Уйчинском районе Наманганской области проводился специальный рейд по изучению вопроса соблюдения населением карантинных правил. Так как же они соблюдаются, какие выводы сделаны?

Честно говоря, изучение состояния дел показало, что уйчинцы немного расслабились, «забыли» про ограничения или считают, что они остались в истории. Но нет же. Тем более, что по соседству территории, отнесенные к «красной» зоне.

Улицы в Уйчинском районе стали оживленными. На вопрос: что стало причиной выхода на улицу, опрошенные начали приводить различные доводы, оправдывая свое нахождение на улице. Кто-то говорил, что идет на рынок, другой, что возвращается из больницы, проведав родственника, а третий, что следует на работу. Были и те, кто просто прогуливался с друзьями, сетуя на скукоту. Просто удивительно, откуда такая беспечность и безразличие?





То тут, то там можно увидеть, как некоторые жители Уйчинского районного центра идут по улице без маски. Заприметив сотрудника органов внутренних дел, в спешке начинают доставать ее из кармана. Этот эпизод напомнил случаи, когда некоторые нерадивые водители только при виде сотрудника ДПС натягивают ремень безопасности.

Напрашивается резонный вопрос: правила устанавливаются для того, чтобы соблюдать их лишь при представителях полномочных органов? Чтобы не оштрафовали, не наказали, да? Неужели трудно понять, что правила вводятся не для того, чтобы кого-то наказывать, а для того, чтобы остеречь от нежелательного. В нашем случае – защитить от болезни. В соблюдении правил в первую очередь должны быть заинтересованы сами граждане. Осознать это должны, думаю, и уйчинцы.

Пока присутствует опасность распространения коронавирусной инфекции, будут действовать карантинные правила. Необходимо набраться терпения, проявлять еще большую дисциплинированность и гражданскую ответственность.

Наманганская область в период пандемии стала одной из зон, где наблюдалось относительно большее количество заражений вирусом. Соответствующие государственные службы, правоохранительные органы, невзирая ни на что, принимали и продолжают принимать меры по противодействию распространения коронавирусной инфекции. Хотя намного смягчены ограничения на некоторых территориях области, во многих населенных пунктах все еще действуют карантинные посты. Согласно решениям Специальной комиссии строго контролируется соблюдение установленных правил, а несоблюдение их влечет наказание в соответствии с законодательством.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Наманганская область.*

Практика

# ПОСТИГАЯ АЗЫ КРИМИНАЛИСТИКИ

**Экспертов-криминалистов по праву можно отнести к бойцам невидимого фронта. Их труд невидим, но очень трудоемок и скрупулезен. Ежегодно Академия МВД выпускает более тридцати экспертов-криминалистов. Каждый из них проходит трехмесячную стажировку в ЭКО управлений внутренних дел, повышая профессионализм и приобретая бесценный опыт.**



– На кафедре криминалистических экспертиз Академии МВД курсанты постигают знания по пяти видам основных экспертиз: трасологической, дактилоскопической, баллистической, почерковедческой и технико-криминалистической экспертизы документов. Последние две были включены в образовательную программу два года назад, – отмечает заместитель начальника кафедры подполковник Анвар Хусанов. – Одна из самых сложных – баллистическая экспертиза, на изучение которой отведено 14 тем. Согласно статистике, каждая десятая криминалистическая экспертиза – баллистическая. Она применяется при раскрытии преступлений, совершенных с использованием огнестрельного, газового и других видов оружия.

Баллистическую экспертизу назначают в тех случаях, когда необходимо классифицировать изъятое оружие, определить способ его изготовления, установить факт и способ внесения изменений в его конструкцию, факт использования по назначению после очистки, установить заводской номер.

В этом учебном году ряд выпускников Академии МВД по специальности «Экспертно-криминалистическая деятельность» направятся в Самарканд для несения службы на местах.

– За четыре месяца сотрудники ЭКО УВД Самаркандской области провели 508 экспертиз, 62 из которых – баллистические, – говорит начальник ЭКО УВД области подполковник Максуд Курбонов. – Специалисты приняли участие в осмотрах 743 мест происшествия. По картотеке следов рук, изъятых с мест нераскрытых преступлений, с помощью АДИС «Сонда" было расследовано 91 неочевидное преступление.

Сотрудники экспертно-криминалистических подразделений в течение суток участвуют в осмотрах нескольких мест происшествий, выступают как специалисты при проведении следственных действий и оперативно-розыскных мероприятий. В отделе работает дружная команда профессионалов из восьми человек, имеющих допуски на самостоятельное проведение основных семи видов экспертиз.

Нередко криминалистам приходится участвовать в следственных действиях – допросах и обысках, выезжать на осмотр мест преступлений, в суды. Однако значительная часть работы проходит в кабинете и лабораториях.

Из года в год деятельность экспертов-криминалистов в общей следственно-оперативной работе приобретает все большую значимость, ведь от их профессионализма зависит судьба человека.

Криминалистика – дело, которому можно учиться всю жизнь. В Академии МВД республики курсантов обучают проводить экспертизы, навыки будущие криминалисты закрепляют во время практики.

За последние годы методы исследований значительно изменились. Информационные технологии упростили работу сотрудников ЭКО. Если раньше приходилось больше полагаться на зоркий глаз и хорошую память, то сейчас на помощь приходят компьютеры и цифровая техника.

После окончания Академии я буду работать экспертом-криминалистом, приносить пользу обществу, устанавливать преступников или оправдывать невиновных.

**Сухробхон БОТИРОВ,**
**курсант 3-го курса**
**Академии МВД Республики**
**Узбекистан.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Бобоқул ТОШЕВ,
Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори.**



**Ҳар қандай давлатнинг ривожи унинг қонунлари мукаммаллиги ва ҳаётга қай даражада татбиқ этилаётганига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг «*Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади*», деган пурмаъно сўзларини бежиз эсламади.**

Конституция ва қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик қадриятлар қарор топади ва мустаҳкам бошқарув амалда бўлади. Юртбошимиз ушбу тушунчаларга чуқур таъриф берар экан, «*қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир*», деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат ва жамият ўртасида мувозанатни таъминлаш, қонунчиликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини жорий йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида алоҳида қайд этиб ўтди.

Бизнингча, бунга эришишда қонун ижодкорлигининг ўзига хос ўрни бор. Ҳар қандай қонун ҳужжати яратилишидан олдин мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари чуқур англаб олиниши, давлат ва жамият тараққиёти йўлида қўйилган вазифалар идрок қилиниши ва мақсадлар аниқлаб олиниши лозим. Жамиятда тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар аниқланиши, фуқароларнинг муаммолари ўрганилиши, муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлаётган турли қарашлар инобатга олиниши ҳамда илмий асосланиши керак.

Қонун ҳужжатлари фақат Конституцияда белгиланган нормалар, қоидалар, принциплар доирасида ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим. Имкон қадар идоравий хусусиятга эга, ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилишни кескин камайтириш, қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини турлича талқин қилишга олиб келадиган ҳаволаки нормалар кириб қолишининг олдини олиш, тўғридан-тўғри қўлланадиган қоидаларнинг яратилиши муҳим омиллардан саналади.

Яратилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, фуқаролик жамияти институтлари, илмий доиралар ва мутахассисларнинг экспертлик кўригидан ўтказилиши, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши лозим. Ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мақомини янада ойдинлаштириш, уларнинг фақат қонунчиликда белгиланган ваколатлари доирасига кирадиган масалалар бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилишга эришиш мақсадга мувофиқ.

Амалдаги қонунчиликни хатловдан ўтказиш, умумлаштириш, кодекслаштиришга кенг йўл бериш, қонунчилик жараёнини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини ижро қилиш механизмларини янада такомиллаштириш ниҳоятда муҳим саналади. Қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка ўз вақтида етказишда ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларини шарҳлаш ва талқин қилиш қобилияти ва кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳам яхши самара беради.

Жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг энг асосий шартларидан бири мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий билимга эга бўлишидир. Уларнинг ҳуқуқий билим даражаси, бир томондан, қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг сифатига таъсир кўрсатса, иккинчи томондан қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ва ишончли ижросини таъминлашга олиб келади.

Президентимиз томонидан сўнгги пайтларда қабул қилинган қатор фармон ва қарорларда қонун устуворлигига эришишда мансабдор шахсларнинг бошқарув қобилиятини ривожлантириш, қўл остида ишлаётган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказмаслик, ходимларнинг ишчанлик қобилиятини ривожлантириш ва ҳар томонлама рағбатлантириш ҳақида раҳбарларнинг огоҳлантирилаётгани катта самара бериши аниқ.

Бугунги кунда «*давлат органлари ва мансабдор шахслар халққа хизмат қилиши*» асосий бошқарув принципига айлантирилаётган экан, қонун устворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири – фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш бўлса, иккинчи томондан, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартибларини такомиллаштиришга ҳам боғлиқ. Мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини нотўғри бажараши, ваколатидан четга чиқиши, масъулиятсизлиги, бюрократияга асосланиш, қоғозбозлик, мажлисбозлик каби эскича бошқарув принциплари қонун устворлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатадиган жиҳатлар ҳисобланади.






Президентимиз илгари сурган «*Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш*» ғояси нафақат давлат бошқарувини тўғри ташкил этишга, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш, одамларда келажакка ишонч ҳиссини кучайтириш, демократик қадриятларни кенг жорий этиш, давлат ва жамият бошқарувида ҳар бир кишининг иштирокини таъминлаш, муаммолар ечимини кўрсатиб берадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, мамлакатимиз зиммасига олган халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни виждонан бажариш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилади. Инсон бахтли бўлиши, ўзини эркин ва озод ҳис қилиши, ҳаётидан рози бўлиши, ўзи ва фарзандларининг хавфсиз жамиятда яшаш кафолати айнан қонун устувор бўлган жойдагина таъминланишига шубҳа йўқ. Бунинг учун эса қонун ижодкорлари мукаммал, ҳаётий қонунлар қабул қилиши лозим бўлади.

ЎҚИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ




**Зокир Худойшукур**

## «ТУЗОҚ»

«Тузоқ» ижодкорнинг аввалги китобларидан бирмунча баланд ва бадиий бўёқларга бойлиги билан ажралиб туради.

Китобни мутолаа қиларкансиз, воқеалар халқ оҳангларига ҳамоҳанг эканлигига гувоҳ бўласиз. Айниқса, тилдан-тилга ўтиб келаётган воқеаномалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Аксинча, кишида қизиқиш уйғотади, тарихимизнинг ноёб дурдоналарини билишга чорлайди.

«Тузоқ» ва «Оқ ўтовнинг мунгли ўлани» қиссалари ҳамда «Кайвони момом чўпчаклари» туркумидаги ва бошқа ҳикоялари ана шундай хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Зеро, ушбу тўпламда халқнинг дарди тараннум этилган.

КЎНГИЛГА ТАШРИФ

# «КУМУШ РОЛИ МЕНГА ТАҚДИРНИНГ ТУҲФАСИ»

**Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова 1946 йил пойтахтда таваллуд топган. Тошкент хореография билим юрти ҳамда Театр институтини тамомлаган. Ранг-баранг роллари билан томошабинлар юрагидан жой эгаллаган. Хусусан, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драмасидаги Феруза, Иззат Султоннинг «Имон» асаридаги Озода, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедиясидаги Зуҳра, Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» ҳамда «Фармонбиби аразлади» пъесаларидаги Муҳайё образлари орқали мухлислар меҳрини қозонган. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи асосида суратга олинган фильмда Кумуш образини бетакрор ижро этгани учун ҳали-ҳануз санъатсевар халқимиз эъзози ва эътирофида.**

**Гулчеҳра Жамилова Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Юртбошимиз томонидан «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.**



**– Гулчеҳра опа, санъатга кириб келишингиз қандай бўлган?**

– Раҳматли отам фармацевт бўлса-да, санъатга меҳри бўлакча эди. Ҳамон эсимда, ҳар якшанба куни соат 15:00 да «Театр микрофон олдида» номли адабий радиоэшиттириш бўларди. Унда саҳна асарларининг «постановкаси» бериларди. Оилавий тинглардик ва уни муҳокама қилардик. Ҳафтада бир кун, албатта, кино ё театрга тушардик. Бу анъанага айланган эди. Қорми, ёмғирми, фарқи йўқ, дадам мени елкасига опичиб оларди-да, томошага олиб борарди. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Доктор Войжоним» балетини кўриб, рақс билан «касалланганман». Қўшнимизга «оёқ учида туришим учун шиппак тикиб беринг», деб қанчадан-қанча сочиқларнинг бошига етганман.

Мактабни тамомлаб, ҳозирги Тошкент *давлат* миллий рақс ва *хореография олий мактаби*нинг ўзбек миллий рақс бўлимига ўқишга кирдим. Ўқиш билан бирга, «Баҳор» рақс ансамблида раққоса сифатида ишлай бошладим.

**– Демак, илк фаолиятингизни «Баҳор» ансамблида бошлаган экансиз-да?**

– «Баҳор» рақс ансамбли, раҳматли устозим Мукаррама Турғунбоева ҳақида қанча гапирсам ҳам оз. Мукаррама Турғунбоева саҳналаштирган рақсларининг ҳар бирида ўзбек аёлининг қалби, орзу-армонлари, шодлигию дарди, нафосати ва назокати, бахти, қудрати манаман деб бўй кўрсатиб туради. Айнан «Баҳор»даги фаолиятим ҳар бир ролимнинг асосини, нозик қирраларини очиб беришда асқатди, десам муболаға бўлмайди.

**– Халқимиз сизни бугун ҳам Кумуш сифатида ардоқлайди...**

– Ҳар битта роль учиб ўтган юлдузга ё алоҳида очилган гулга ўхшайди. Ҳар бири кўнгилга яқин, хотираси тотли. Кумуш роли менга тақдирнинг туҳфаси, тангрининг инояти бўлди. Ўша кезлари янги келинчакман, бунинг устига, ҳомиладор эдим. Ҳам талаба, ҳам Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) да ишлардим. Кунларнинг бирида Абдулла Қодирий романи асосида «Ўткан кунлар» фильми суратга олинишини эшитдим. Танловда раҳматли курсдошим Ҳожиакбар Нурматов билан романнинг «Сиз ўшами?» деган қисмини ўйнаб иштирок этдик. Орадан анча вақт ўтди. Синовдан ўтолмадим, деб ўйладим. Чунки Кумуш образи учун соф миллий марғилонлик қиз керак, деган талаблар бўлганини эшитгандим-да. Менинг сочларим калта, бунинг устига, ўта замонавий экан, деган гаплар қулоғимга чалинганди. Аммо кутилмаганда фильм ижодкорлари мени чақиртиришди. Режиссёр хонасида Отабек ролига тасдиқланган Ўлмас Алихўжаев билан саломлашдик. Очиғи, аввалига унинг сочлари қиртишлаб олиб ташлангани ёқмади, партнёрнимни бутунлай бошқача тасаввур қилгандим. Кейин билсам, Ўлмас Алихўжаев айнан шу роль учун сочларини олдирган, қаҳрамони Отабек қиёфасига мослаштирилган экан.

Фильм режиссёри Йўлдош Аъзамов хонасидаги катта бир қопни кўрсатиб: «Мана шу қопнинг ичи тўла Отабек ва Кумушлар. Сизлар булардан устун чиқишингиз керак!» деб қатъий талаб қўйди. Бу талабни биз фильм охиригача ёдимизда тутдик ва имкон қадар қаҳрамонларимиз қирраларини очиб беришга ҳаракат қилдик.

«Ўткан кунлар»ни суратга олиш жараёнида Раззоқ Ҳамроев, Аббос Бакиров, Марям Ёқубова, Ҳамза Умаров каби буюк устоз санъаткорларнинг таълимини олдим. Бу мен учун ҳар қандай ролдан азиз. Улар бирор нарса ўргатмоқчи бўлса, ҳеч қачон изза қилмай айтарди ва буни тўғри қабул қилардик. Бугун эса ҳудди шундай ҳолатда, айрим ёш актрисаларнинг лабини бурганини кўрсам, тўғриси хафа бўламан.









**– Йиллар ўтиб яна шу фильм қайта суратга олинди. Не бахтки, романнинг иккинчи киноталқинига яна сизни таклиф этишди, аммо Кумуш эмас, унинг онаси – Офтобойим ролини ўйнадингиз. Айтинг-чи, ижроингиздан кўнглингиз тўлдими?**

– Очиғи, унчалик ҳам эмас... Чунки иккинчи талқинида Офтобойимга кўп имкониятлар берилган эди, яъни биринчи фильмдан кўра иккинчисида у кўпроқ кўринади. Қаҳрамонимнинг ҳолатини, ичидаги дардларини кўзларимда, юз ҳаракатларимда ифодалашим керак бўлган ҳолатларда негадир, кўпинча, орқа томондан тасвирга олинган. Натижада ўша сўзсиз қарашлар, кўзлардаги маъно тўлиқ намоён бўлмаган...

**– Тоҳир Малик асари асосида суратга олинган «Шайтанат» сериалидаги Манзура образингиз ҳақида ҳам гаплашсак.**

– Асардаги ҳар бир қаҳрамоннинг, ҳатто кичик бир эпизодик ролнинг ҳам ўз таржимаи ҳоли бор. Бу актёр учун муҳим жиҳат. Сериалдаги Манзура образи бир қарашда оддий кўриниши мумкин, аммо юракдан ҳис қилиб, тушуниб ижро этмаса, томошабинга етказиб бериш қийин. Кўпчилик «Шайтанат»ни ўқиган, билишади – Манзура ниҳоятда камгап аёл. Аммо Асадбекнинг биргина кўз қарашидан унинг ҳолатини, ички туғёнларини уқиб, тушуниб олади. Қаҳрамоннинг шу ҳолатини очиб бериш учун меъёрни билиш, ҳаддан ташқари ошириб, бўрттириб юбормаслик ҳам керак. Менга партнёрим Ёдгор Саъдиев катта ёрдам берган. Агар партнёрнинг кўзи ёнмаса, сиз ҳам ёнолмайсиз. «Шишакўз» партнёрлар нафақат ўзининг, балки сизнинг ҳам ролингизни йўққа чиқаради.

Умуман олганда, ижодий жамоа яхши шакллантирилган, актёр ва актрисалар тўғри танланган, ортиқча жиҳат йўқ, ҳаммасида меъёр бор. Афсуски, бугунги кунда суратга олинаётган айрим фильмларда ана шу меъёрни унутиб қўйишмоқда. Ўрни келганда, баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Либос, пардоз, тақинчоқларнинг жойи, мавриди бўлади. Гоҳида баъзи актрисалар уй шароитидаги саҳналарда ҳам башанг кийиниб, тўйга қилинадиган пардозда кўринишади. Узрку-я, баъзи ўлим тасвирланган саҳнада ҳам айрим актрисалар лабларини қип-қизил бўяб, қош устига қош улаб роль ижро этишади. Тўғри, замонга ҳамнафас бўлиш керакдир, аммо миллий қадриятларимизни ҳам унутмаслик лозим.

**– Гулчеҳра опа, «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирландингиз. Давлат мукофотини олганингизда кўнглингиздан қандай ҳис-туйғулар кечди?**

– Тўғриси, бундай эътиборни кутмагандим. Меҳнатларим бу даражада баҳоланиши хаёлимга келмаганди. Бундай ишонч, рағбат мени юртнинг равнақи, ёруғ эртаси учун аввалгидан-да фидойи бўлишга, санъатсевар элимизнинг хизматига ҳамиша «лаббай» деб туришга ундайди.

**– Айни пайтда нималар билан бандсиз? Ижодий фаолиятингизда қандай янгиликлар бор?**

– «Малак» номли кўп қисмли сериал суратга олинмоқда, унда Зумрад хола ролини ўйнаяпман. Тез-тез ижодий учрашувлар ҳам бўлиб туради, аммо карантин туфайли асосий вақтимни уйда ўтказяпман. Матонатли халқимиз бошига тушган бу оғир ва мураккаб вазиятдан, албатта, чиқиб кетишига ишонаман. Мутахассислар тавсиясига амал қилишда, аввало, биз катталар ёшларга, фарзандларимизга, жажжи набираларимизга ўрнак бўлайлик. Илойим, бу касаллик ҳеч бир оила бошига мусибат келтирмасин. Барча-барчага сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайман. Ҳамиша Аллоҳнинг паноҳида бўлинг!

**«Postda» мухбири**
**Адолат ФАЙЗИЕВА**
**суҳбатлашди.**

НА ДОСУГЕ

# Читаем всей семьей

Находясь на карантине, люди вспомнили про книги. Действительно, что, как не добрая старая книга, позволит пуститься в путешествие по своим страницам, открывая читателю неведомые миры и страны, увлекая, воспитывая и наставляя.

Собравшись вечером всей семьей, можно, оторвавшись от телевизора и компьютера, погрузиться в чтение. Отца семейства наверняка заинтересуют детективы или исторические романы, маму – романтические повести, а ребенка – добрая сказка.

Рекомендуем для чтения:




**Отцу – «Заклинатель змей» Явдата Ильясова, роман.**

Знаменитый поэт, астроном, математик Омар Хайям перенес за долгую жизнь много тяжких испытаний: наветы и опалу, бедность и непонимание со стороны окружающих, однако ни разу не изменил себе. Он боролся за справедливость своим талантом. За столетия имя Хайяма обросло легендами. В книге Явдата Ильясова делается смелая попытка прояснить сложный образ ученого и поэта.




**Матери – «На солнечной стороне улицы» Дины Рубиной, роман о Ташкенте.**

«…лучше всего, пусть мысленно, произнести в предрассветный час заветное имя: «Ташкент»… и сердцу становится тесно, и слезы так близко. А главное: вновь ты в ладу с собой, ибо душевная связь с картинами, людьми и образами твоего города никогда не оскудеет».




**Ребенку – «Волшебная шапка» Худайберды Тухтабаева, повесть.**

Жил-был на свете мальчик по имени Хашим. Не желал он учиться, помогать матери по хозяйству, обижал сестренок и соседских мальчишек. Но вот однажды в руки этого лентяя попала сказочная волшебная шапка, которая могла исполнить любое желание хозяина. Хашим решил с ее помощью совершить множество героических поступков и прославиться на весь мир.




Школа моя, прощай навсегда!
Расстаюсь я с тобой со слезами.
Не забыть нам тебя никогда,
Пусть и трудно нам было местами.

Хочу тебе спасибо я сказать:
Ты научила нас читать,
Ты научила нас писать,
От трудностей – не отступать!

Прощайте же теперь учителя,
И форма, бантики, рюкзак!
Скажу до встречи вам, друзья,
Мне не забыть о вас никак!

В первый класс пришли мы с радостью,
На душе – хорошо и тепло...
Мы со школы уходим с печалью,
Но на сердце все же светло.

Настал тот час, нам уходить пора.
Как птицы пролетели школьные года...
Уходим мы с родного нам двора.
Родная школа, прощай же навсегда!

**Камила МУХАММАДИЕВА,**
**учащаяся 204-й группы Сырдарьинского академического лицея МВД Республики Узбекистан.**

## Интересное об Узбекистане



**Вековые деревья**

В селении Пунгон Наманганской области, растет великолепный густой раскидистый карагач, возраст которого – почти 500 лет. Высота этого дерева 40 метров, а ствол больше 6 метров в диаметре.



**Следы динозавров**

На склонах Гиссарского хребта обнаружены четкие следы динозавров. По мнению ученых, этим следам более 75 миллионов лет.

**Мавзолей Чашмаи-Аюб**

Один из красивейших памятников Узбекистана – мавзолей Чашмаи-Аюб. Существует немало легенд, повествующих о появлении святого места. Согласно одной из них, пророк Аюб во время сильной засухи ударил посохом в том месте, где ныне находится мавзолей. В мгновение из-под земли забил родник. Так возникло название «чашма» – родник Аюба. Вода в нем до сегодняшнего дня сохраняет чистоту и считается целебной.





**Пирамиды**

Считалось, что пирамиды существуют лишь в Египте и в Мексике. Как выяснилось, не только там. В глухих горных ущельях Самарканда и Кашкадарьи были найдены пирамиды высотой около 15 метров. Это сложенные из камня настоящие четырехгранные пирамиды, но, в отличие от уже известных, не ступенчатые, а гладкие. Их возраст определяется примерно в 2000–2700 лет.

## 1 ИЮНЯ – МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДЕНЬ ЗАЩИТЫ ДЕТЕЙ



# «Мой папа – офицер!»

Знаю, что папина работа очень ответственная. Папа уходит рано, приходит поздно, из-за этого мы редко видимся.

Мой отец – старший инспектор профилактики ОВД № 3 Яккасарайского района города Ташкента майор Муроджон Курбонов. Он хороший человек. Мама говорит, что папа любит свою работу и служит во имя спокойствия нашей Родины. Он мой герой! У него очень тяжелая профессия, поэтому стражами Отчизны должны быть смелые и трудолюбивые люди.

Для того чтобы охранять нашу страну, нужно много учиться. Когда я вырасту, буду таким же, как папа!

**Шерали ЖУМАНАЛИЕВ.**

# «У мамы красивая форма зеленого цвета...»

Мама – начальник канцелярии Материально-технической и хозяйственной службы ГУВД г. Ташкента рядовая Хушруй Акбарова, она очень заботливая, служит Родине и носит красивую форму зеленого цвета. Наша мама много работает, но свободное время всегда проводит с нами. Каждые выходные мама старается приготовить наши любимые блюда и что-нибудь испечь. Когда она на работе, мы стараемся поддержать ее: не хулиганим и не ссоримся друг с другом.

Мы любим играть в шахматы, рисовать и лепить из пластилина. Несмотря на то, что у мамы много работы, она занимается с нами: помогает делать уроки, гуляет с нами, интересуется нашими делами, дает советы.

Мы очень любим нашу маму!

**Мироншох и Мохирой АКБАРОВЫ.**





# Семья – это главное

За время службы начальник отделения Информационно-коммуникационных технологий Управления безопасности дорожного движения ГУВД г. Ташкента подполковник Рустам Ибрагимов и оперативная дежурная службы 102 Организационного управления ГУВД г. Ташкента лейтенант Ильмира Ибрагимова успели стать родителями прекрасных сыновей – Ислама и Махмуда, с разницей в возрасте четыре года.

– По характеру мальчишки абсолютно разные, – рассказывает лейтенант Ильмира Ибрагимова. – Между собой ладят, споры бывают крайне редко. В разлуке скучают друг без друга. Они большие молодцы и очень самостоятельные.

Родителей Ислам и Махмуд видят редко – большую часть времени они проводят на службе. Однако, невзирая на трудности, Рустам и Ильмира Ибрагимовы стараются все успевать: быть ответственными сотрудниками, а дома – заботливыми и любящими мамой и папой.

– Мы стараемся грамотно спланировать день, чтобы все успеть на работе и уделить внимание семье, ведь это главное в жизни, – признается подполковник Рустам Ибрагимов. – Детям никто не заменит родителей, так хочется больше времени проводить в кругу родных.

**Фото из семейного архива.**

# Всесторонняя помощь

**Персонал Центра социально-правовой помощи несовершеннолетним ГУВД г. Ташкента прикладывает все усилия к тому, чтобы каждый ребенок, оказавшийся в непростой ситуации, был окружен вниманием и заботой.**



Чаще всего детей, в силу различных обстоятельств оставшихся без надзора взрослых и в одиночку бродящих по улицам, доставляют сотрудники подразделений ГУВД. Здесь их кормят, одевают, приводят в порядок, но главное – окружают заботой и вниманием, стараются доказать, что не все взрослые равнодушны к судьбе детей, столкнувшихся с трудностями, непониманием в семье, нуждающихся в душевном тепле и добром отношении.

В Центре ведется масштабная работа по оказанию мальчикам и девочкам всесторонней поддержки: поиске родных, выяснении причин случившегося, оказании психологической помощи.

Радует то, что в нашей стране есть много неравнодушных людей, готовых прийти на помощь и оказать моральную и материальную поддержку. В Центр часто приезжают волонтеры. Они устраивают праздничные мероприятия. Детскому счастью нет предела. Они всегда с нетерпением ждут гостей.

Для детей важно развиваться, получать знания, поэтому здесь регулярно проводятся занятия, психологические тренинги. Работники Центра устраивают спортивные соревнования, конкурсы и игры, тематические вечера, приуроченные к какой-либо дате или празднику, работают творческие и музыкальные кружки.

Так, в преддверии Дня Памяти и Почестей была организована концертная программа с участием детей. Облаченные в форму военных лет, они пели песни, читали стихи. Воспитанники и воспитатели постарались отобразить дух того времени. После концерта состоялся просмотр художественного фильма «Ватан», проникнутого духом патриотизма и любви к Родине. В заключение праздника ребята вместе сфотографировались на память.

В период борьбы с коронавирусом большое внимание уделяется соблюдению санитарно-эпидемиологических правил: проветриваются и дезинфицируются помещения, усилен контроль над качеством питания и процессом приготовления пищи, врачи регулярно осматривают персонал и воспитанников. Временно ограничено посещение Центра родителями детей или их законными представителями.

Ребята относятся к этим мерам с пониманием – пребывание здесь делает их ответственными.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА, корреспондент «На посту».**







# BOLAJON SAHIFASI

### XANDA

**Bola otasining rasmini chizib, unga maqtandi.**
**– E, qoyil o‘g‘lim! Xuddi o‘zimni chizibsan-ku! Faqat nega sochimning rangini jigarrangga bo‘yading?**
**– Chunki menda «kal» rang yo‘q-da, dada.**



## LEV TOLSTOY JUMBOG‘I

Mashhur rus yozuvchisi bu masalani ikkinchi sinf o‘quvchilari uchun o‘ylab topgan. Lekin hozir uni yuqori sinf o‘quvchilarining o‘ttiz foizi, oliy o‘quv yurti talabalarining yigirma foizigina to‘g‘ri yecha olar ekan. Hatto har kuni pulni pulga urib ko‘paytiradigan, hisob-kitob bilan tinimsiz shug‘ullanadigan savdogarlaru buxgalterlar ham ko‘pincha xato qilishadi. Mana o‘sha masala:

Savdogar 10 so‘mdan qalpoq sotyapti. Bir xaridor qalpoqni kiyib ko‘rib, sotib olmoqchi bo‘ldi. Lekin uning 25 so‘mligi bor ekan, xolos. Sotuvchi o‘sha 25 so‘mni bir bolakayga berib, maydalab kelish uchun qo‘shni do‘konga jo‘natdi. Bola pulni 10+10+5 so‘mlik qilib maydalab keldi. Savdogar qalpoqni va 15 so‘m qaytimni haligi kishiga berdi. Oradan biroz vaqt o‘tgach, pulni maydalab bergan qo‘shni keldi va 25 so‘mlik qalbaki ekanini aytdi. Ilojsiz qolgan sotuvchi unga pulini qaytarib berdi.

Savdogar jami bo‘lib qanchaga tushgan?

Qani, siz ham bir urinib ko‘ring-chi, buyuk yozuvchining ushbu oddiygina jumbog‘ini yecha olarmikansiz. Javoblaringizni izohlarda qoldirishingiz mumkin.

***Javobi:*** *kirim-chiqimlarni hisoblaymiz: savdogarning kirimi: bola maydalab kelgan 25 so‘m. Chiqimlari: qalpoq (10 so‘m) + qaytim (15 so‘m) + qo‘shnisiga berilgan pul (25 so‘m) = 50 so‘m. Jami 25-50=-25. Demak, savdogar 25 so‘m zarar ko‘rgan.*



### BU – QIZIQ!

*** Go‘dak uch oylik bo‘lmaguncha kula olmaydi.**
*** Inson kulgan paytda yuzidagi 17 ta, xo‘mrayganda esa 47 ta muskuli ishlashga majbur bo‘ladi.**
*** Olti yoshli bola kuniga o‘rtacha 300 marta, yoshi kattalar esa 15–100 martagacha kuladi.**
*** Kulayotgan paytda o‘pkadagi havo soatiga yuz kilometr tezlikda otilib chiqadi.**
*** Ruhi tetik, kulib yuradigan odamlarda yurak kasalliklariga duchor bo‘lish ehtimoli tushkun kayfiyatda yuradiganlarnikiga qaraganda qirq foiz kamroq bo‘ladi.**
*** Kuniga 17 daqiqa kulgan odamning umri bir kunga uzayadi.**



### LABIRINT

**Yo‘nalishlarni to‘g‘ri topib, bo‘sh doira ichiga kerakli shaklni chizing.**

### BOLALAR SHIFOKORI

Biz – kattalar bolajonlarni ovutish, erkalatish yoki rag‘batlantirish maqsadida ularni turli shirinliklar bilan siylaymiz. Shirinliklar esa bolajonlarning jonu dili. Ammo me’yoridan ortig‘i sog‘liq uchun zararli ekanini doim yodda saqlash va kichkintoyga buni o‘rgatib borish lozim. Ortiqcha tanovul qilingan shirinlik tishlarni yemiradi, ortiqcha vaznga sabab bo‘ladi. Hatto oshqozonosti bezi faoliyatiga ham nojo‘ya ta’sir ko‘rsatadi. Allergik kasalliklarni keltirib chiqaradi. Har qanday shirinlik iste’molidan so‘ng tishlarni yaxshilab yuvish doimiy odatga aylanishi maqsadga muvofiq.



### BU – FAKT!



## HASHAROTLAR HAQIDA AYRIM QIZIQARLI MA’LUMOTLAR

* Bir yil davomida o‘rgimchaklar iste’mol qiladigan barcha hasharotlarning og‘irligi yer yuzida yashovchi barcha insonlar vaznidan og‘ir bo‘ladi.



* Chumolilar hech qachon uxlamaydi.



* Asalarilarning beshta ko‘zi bor: uchtasi boshining yuqori qismida, ikkitasi esa oldida bo‘ladi.



* Ninachi eng tez uchuvchi hasharot hisoblanadi.

* Qora chigirtkalarning quloqlari oldingi oyoqlarida joylashgan. Bundan tashqari, ularga qarab haroratni bilish mumkin: buning uchun bir daqiqada necha marta chirillashini aniqlash, uni ikkiga bo‘lish, so‘ng chiqqan songa to‘qqizni qo‘shish va natijani ikkiga bo‘lish kerak. Hosil bo‘lgan son haroratni tselsiy graduslarida ko‘rsatadi.





* Beshiktebratar o‘z tanasining uzunligidan 40 baravar, burgalar esa 130 barobar uzoqroqqa sakrashi mumkin.

* Kapalakning yuragi ham, qon tomirlari ham bo‘lmaydi. Bu vazifalarni tanasi bo‘ylab bosh tomonga yo‘nalgan bitta yo‘g‘on tomir ado etadi.



## BO‘SH O‘TIRMA, BOSH QOTIR

Bo‘sh kataklar ichiga shunday so‘z bo‘g‘inlarini joylashtiringki, natijada ikki tomonda ham shu bo‘g‘inlar asosida so‘zlar hosil bo‘lsin.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| g | u | l | **sh** | | **a** | **n** | x | a | y |
| b | a | r | **ch** | | **i** | **n** | g | i | z |
| t | u | r | **m** | | **u** | **sh** | t | u | m |
| t | o | l | **q** | | **o** | **n** | d | o | sh |

Sahifani Adolat FAYZIYEVA tayyorladi.

МУҚАДДАС ҚАДАМЖОЛАР

# ХОСИЯТЛИ ТУПРОҚ

*Президентимиз раҳбарлигида ислом динининг эзгу амалларини эъзозлаш, юртимизда яшаб ўтган улуғ алломалар меросини тиклаш, қадамжоларини обод этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.*

*Пойтахтимиз аҳолиси Чилонзор туманида жойлашган Сўғалли ота зиёратгоҳини муқаддас санашади. Сўнгги йиллар зиёратгоҳнинг ҳолати анча таъмирталаб бўлиб қолган эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан унинг ёнида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф масжидининг барпо этилиши натижасида бебаҳо ёдгорлик ўз тарихий қиёфасини сақлаган ҳолда муҳташам ошёнга айланди.*



Тарихий манбаларда Сўғалли ота ҳақида деярли маълумотлар йўқ. Аммо халқ орасида у киши билан боғлиқ турли ривоятлар юради. Сўғалли ота авлиёсифат кишилардан бўлиб, бутун танасини сўгал қоплаб олган экан. Танасида сўгали бор, яра-чақа ва бошқа тери касалликлари билан қийналган кишиларнинг дардига даво бўлган экан. Авлиё ота ўтиб кетгандан кейин унинг қабри атрофидаги тупроқ сўгал ва яра-чақаларни даволаш каби ноёб хислатга эга бўлибди.

Салкам эллик йил Сўғалли ота зиёратгоҳида фаолият юритган Ҳожиакбар Расулов ўзи кўриб, гувоҳи бўлган жуда кўплаб воқеаларни сўзлаб берди. Қуйида улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

## БИРИНЧИ ВОҚЕА

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида Алгоритм заводи қурилган йиллар эди. Унга олиб борадиган йўлни кенгайтириш керак, деган топшириқ бўлди. Сўғалли отанинг қабри йўл четида, йўлни очиш учун эса у ерни текислаб ташлаш керак эди. Шунда бульдозер билан текисламоқчи бўлишади, аммо техниканинг барча занжирлари узилиб кетади. Ёши катталар бу ишда хайр бўлмаслигини айтишади.

## ИККИНЧИ ВОҚЕА

Шу жараёнда завод раҳбари етиб келади. Унга бўлиб ўтган воқеани айтишади. Ўйланиб қолган раҳбар, «Орангизда яна шунга ўхшаш бирор воқеага гувоҳ бўлган киши борми?» деб сўрайди. Зиёратгоҳ атрофидаги бир хонадон эгасини бошлаб келишади.

– Менинг 7 бош қўйим бор эди, – деб гап бошлайди у. – Ҳар куни уларни ўтлатгани кўчага олиб чиқардим. Бир куни хаёлга чўмиб қолибманми, қўйларим мозор томондан эгилиб турган қайрағоч дарахтининг шохларини эгиб, япроқларини еблди. Чопиб бориб, қўйларни у ердан ҳайдаб келдим. Эрталаб қарасам, еттита қўйнинг барчасини қўтир босиб кетибди. Ҳайрон бўлиб, нима қилишни билмай кексаларга маслаҳатга бордим. Улар етти қўйдан бирини қурбонликка сўйишни, қолганларига эса Сўғалли ота қабри атрофидаги тупроқдан сепишни айтишди. Шундай қилгандим, қўйларнинг қўтири тўкилиб тушди.

Кекса кишилар завод раҳбарига яна бошқа ҳаётий мисолларни ҳам сўзлаб беришди. Шундан сўнг сир-синоатга тўла бўлган бу масканга зарар етказмасликка қарор қилишади...

## УЧИНЧИ ВОҚЕА

Қизим анча кичкина эди. Унинг даҳанига майда қизил тошмалар тошиб кетди. Жуда кўп шифокорларга кўрсатдик, муолажалар фойда бермади. Буни эшитган бир танишим: «Қизинг онаси билан шу зиёратгоҳга келиб, назр-ниёз атаб, Қуръон тиловат қилишсин. Тупроғидан тошмаларга суртиб, Аллоҳдан шифо сўрасин. Ахир, ўзинг шу ерда ишлаб, қанчадан-қанча одамлар дардига даво топиб кетаётганини кўряпсанку», деб айтди. Дарҳақиқат, шундай эди. Келиб-кетувчилар кўп бўларди. Уч-тўрт кундан кейин танасидаги барча яра-чақалардан халос бўлганини айтиб, топ-тоза терисини кўрсатиб кетарди, айримлар. Хуллас, қизим ҳам ана шу тупроқдан дардига даво топган.

Бу воқеалар ҳали ҳаммаси эмас. Эзгу ниятлар билан биз ҳам зиёратгоҳ эшигидан кирганимизда бир аёл қаршимизга чиқди. Ўзини Шарифа опа деб таништираркан, узоқ йиллардан бери шу ернинг тоза-озодалигига қарашиб юришини айтди. Мақсадимизни эшитгач, ҳаётида содир бўлган воқеани сўзлаб берди.

– Ўғлим чақалоқ эди. Бир куни оёғининг сон қисмига сўгалга ўхшаш нарса тошиб кетди. Жуда қийналарди, йиғлаб, овунмасди. Уйим шу маҳаллада. Қайнонам «Сўғалли ота зиёратгоҳи тупроғининг хосиятини кўп йиллардан бери эшитганман. Болани қўлингизга олинг-да, дарров зиёратга чиқиб келинг, яраларига тупроқдан суртинг. Шояд шифо топса, ахир, бола эзилиб кетди-ку...», деди. Эсимда, боламни бағримга босганча кўзларим тўла ёш билан мана шу дарвозадан шифо истаб киргандим. Сўнг Қуръон тиловат қилиб, тупроқдан олиб боламнинг оёқларига суртдим. Яраларга тупроқ гўё малҳам бўлгандек, болам йиғидан тўхтади. Уни бағримга босганча уйга қайтдим. Билмадим, тошмалар қачон, қай маҳал тўкилиб кетди, оёғи топ-тоза бўлди. Шундан бери зиёратгоҳга чиқиб, қўлимдан келганча тозалик ишларига кўмаклашиб келаман.

Бугунги кунда ҳам Сўғалли ота зиёратгоҳига келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Ҳозирги кунда ҳам тупроғини суртиб, дардига шифо топаётганлар ҳақида эшитиб қоламиз.



**Адолат ФАЙЗИЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

Postda
На посту

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

# ПООЩРЕНИЕ ДОСТОЙНЫХ

*«Наше государство и общество никого не оставят без внимания перед лицом таких неожиданных бедствий. Министерство по чрезвычайным ситуациям, Министерство внутренних дел и Министерство обороны, а также Национальная гвардия сыграли важную роль в спасении жизни и эвакуации людей. Сегодня они широко вовлечены в аварийно-восстановительные работы».*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**



Достойно поощрена группа военнослужащих и сотрудников территориальных подразделений Национальной гвардии, проявивших мужество и самоотверженность при ликвидации последствий техногенной аварии, произошедшей на Сардобинском водохранилище, и обеспечении безопасности граждан.

Поощрены более 2 700 военнослужащих и сотрудников, которые были задействованы в эвакуации граждан в безопасные районы, устранении последствий наводнения, обеспечении общественного порядка в населенных пунктах и охране имущества граждан, очистке затопленных территорий, обеспечении безопасности граждан, эвакуированных из пострадавших районов, поиске утерянных документов, а также дезинфекционной работе.

В частности, в мероприятии, которое состоялось в Управлении Национальной гвардии по Сырдарьинской области, приняли участие первый заместитель командующего Национальной гвардией Б. Абдуллаев и первый заместитель хокима области А. Каримов, а в других территориальных управлениях – ответственные руководители местных органов государственной власти.

В соответствии с приказом командующего Национальной гвардией ряду военнослужащих досрочно присвоены воинские звания, большая группа военнослужащих и сотрудников награждена нагрудным знаком Национальной гвардии Республики Узбекистан «За образцовую службу», Почетной грамотой, также от хокимията Сырдарьинской области вручены ценные подарки.

Родителям военнослужащих срочной службы, добросовестно выполнявшим служебные обязанности, от имени командования Национальной гвардии направлены благодарственные письма.

Выступая на мероприятии, активист МСГ "Учтом" Сардобинского района Умар Маматкулов с волнением отметил, что он был свидетелем того, как сотрудники Национальной гвардии проявили самоотверженность при эвакуации населения, а также при устранении последствий наводнения, выразил искреннюю благодарность командованию Национальной гвардии и всем сотрудникам.

Особое внимание проявлено к семье сержанта Х. Суярова, погибшего при ликвидации последствий наводнения. Его брат, А. Суяров, принят в ряды гвардейцев.

Преданные профессиональному долгу, отважные парни и девушки, служащие в рядах Национальной гвардии, являются образцом самоотверженного служения Родине и народу.



# ОБРАЩЕНИЯ ГРАЖДАН РЕШАЮТСЯ ПОЛОЖИТЕЛЬНО

Сотрудники Управления Национальной гвардии по Бухарской области в ходе изучения обращений граждан, проживающих на территории шестого сектора, и изучения имеющихся проблем проводят большую работу по их разрешению.

На территории МСГ «Кавола Махмуд» Бухарского района реконструирован и сдан в эксплуатацию мост, который на протяжении долгих лет нуждался в ремонте.

Управление Национальной гвардии по Бухарской области совместно с хокимиятом Бухарского района доставили жителям 14 тонн муки.

В соответствии с обращениями, поступившими от социально уязвимых и малообеспеченных семей, им были предоставлены продукты первой необходимости.

На местах проводится системная работа по трудоустройству неработающих женщин, поддержке нуждающихся в психологической помощи лиц, решению имеющихся проблем граждан.



# ПОХИЩЕНИЕ СРЕДИ БЕЛОГО ДНЯ



22 мая текущего года, примерно в 15.00 часов, военнослужащие Национальной гвардии Д. Кучкаров и Б. Ибрагимов в ходе несения службы на территории Мирзо-Улугбекского района города Ташкента обратили внимание на гражданина, продвигавшегося по улице и толкавшего мотоскутер. Гражданин, заметив, что на него обратили внимание, попытался быстрее скрыться, что вызвало подозрение у патрульных.

Данный гражданин был остановлен. В ходе проверки им не были предоставлены соответствующие документы, и он был доставлен в УКД ОВД Яшнабадского района.

Как выяснилось, лицом, вызвавшим подозрение, оказался гражданин М. Б., 1992 года рождения, проживающий в Сергелийском районе города Ташкента. Мотоскутер марки «CELIMO» был похищен им около дома № 4, расположенного по улице Карасу, что на массиве Авиасозлар Яшнабадского района. Мотоскутер возвращен владелице. Гражданка Н. Л. поблагодарила военнослужащих Национальной гвардии за оперативность. В настоящее время по данному факту ведется расследование.

# КИНОЛОГИ ОБМЕНЯЛИСЬ ОПЫТОМ



В раннем предупреждении преступности и правонарушений, раскрытии по горячим следам совершенных преступлений важную роль играет кинологическая служба. В Сурхандарьинской области управлениями Национальной гвардии и внутренних дел было проведено практическое учебное занятие в целях дальнейшего совершенствования профессиональных навыков кинологов, подготовки служебных собак к работе по специальным направлениям. В ходе занятия отработаны действия личного состава, проверены и оценены знания и навыки сотрудников-кинологов.



**Материалы полосы подготовила Нозима МАХМУДОВА, лейтенант.**

ИСТОРИЯ В КИНОЛЕНТАХ

# «ЧЕТВЕРОНОГИЕ АКТЕРЫ»



**Служебные собаки кинологической службы УППСиООП УВД Самаркандской области участвовали в съемках отечественного художественного фильма «101», снятого режиссером Хамидулло Хасановым по одноименному роману Анвара Иргашева и Юлии Медведовской.**



Некоторые эпизоды фильма были отсняты на полигоне Вооруженных Сил, массиве Сазаган Нурабадского района, территории Самаркандского филиала НИИ имени Р. Шредера и вблизи горной реки Илонсай.

Проект был реализован НА «Узбеккино» совместно с кинематографистами Нидерланд при финансировании хокимията Самаркандской области, так как предположительно узники Амерсфортского концлагеря являлись жителями этой области.

Отечественные кинематографисты создали три ленты: художественные фильмы «Илхак» и «101», а также четырехсерийную хронику «Подвиг народа», повествующие о подвиге узбекистанцев в годы Второй мировой войны. Премьеры кинолент, запущенные в производство в соответствии с постановлением Президента Ш. Мирзиёева «О дополнительных мерах по развитию национальной киноиндустрии» от 24 июля 2018 года, транслировались 9 мая по телеканалам страны.

Картина «101» рассказывает о подвиге 101 узбекистанца, попавших в плен к нацистам в июле 1941 года, в битве под Смоленском, и сосланных в концлагерь Амерсфорт.

– Когда мы ехали в Самарканд, не думали, что здесь есть кинологическая служба и прекрасно выдрессированные собаки, – поделился автор сценария Анвар Иргашев. – У нас однажды случился инцидент – пес на площадке набросился на работника съемочной группы, поэтому мы хотели привлечь обученных собак. В Самарканде таких эксцессов не было, чувствовалась хорошая подготовка.





Нам удалось снять кадр, когда собака должна была кинуться на врага, соблюдая при этом дистанцию, чтобы актер не получил увечий. Служебные овчарки отлично выполнили свою «миссию», сопровождая, по сюжету, заключенных вместе с немецкими офицерами. Чувствовался профессионализм «четвероногих актеров», которые не растерялись и четко выполнили все инструкции.

Отбор собак проводился по фотографиям 20 немецких овчарок, высланных сценаристу. В результате три служебных пса прошли специальное обучение и были задействованы в фильме.

– Неделя ушла на переориентацию собак, чтобы они слушали и выполняли команды, так как четвероногие стражи порядка обычно слушаются только своих дрессировщиков, – поясняет сотрудник питомника служебного собаководства УППСиООП УВД Самаркандской области младший сержант Джахонгир Шакиров. – Моей главной задачей была постановка трюков со служебными собаками. Я отвечал также за безопасность актеров и всей съемочной группы. К примеру, в фильме был момент, когда главный герой, Хошим, спасая немецкого мальчика, падает на землю, и в этот момент немецкая овчарка набрасывается на него. Снимая дубль, я не мог допустить, чтобы пострадал актер, и поэтому рассчитал дистанцию и длину поводка так, чтобы максимально приблизить собаку к актеру, но не нанести увечий. Думаю, мы справились с поставленной задачей.

По словам сценариста, перед премьерой киноленту отправили кинематографистам Китая, которые высоко оценили подготовку и профессионализм служебных собак. Сам сценарист Анвар Иргашев имеет образование ветеринарного врача, является кандидатом ветеринарных наук и не понаслышке знает, что значит хорошо подготовленная собака. В своих лентах он работал с кинологическими службами Узбекистана и России. По его мнению, такой подготовленности и уровня профессионализма он не встречал нигде. Анвар Иргашев в интервью выразил благодарность руководству УВД области и кинологической службе за безвозмездное содействие в съемках фильма и выразил надежду на дальнейшее сотрудничество.

P. S. Четвероногие стражи порядка кинологической службы УППСиООП УВД Самаркандской области вместе со специалистами-кинологами с начала года находились на 234 местах происшествий. С их помощью было раскрыто два убийства, 44 кражи, один грабеж, найдено 223,67 грамма наркотических веществ.

***Для справки:***

*Автор проекта – Ремко Рейдинг на протяжении 20 лет собирал информацию о событиях 1941 года и 101 узбекистанце. История такова. В 1941 году солдаты попали в плен под Смоленском и были отправлены в концлагерь Амерсфорт. По личному распоряжению Геббельса пленников готовили для съемок пропагандистского фильма о том, как нацисты воюют с «дикими народами». После провала плана Гитлера «Барбаросса» лента должна была поднять дух немецких солдат, показав, что противники – дикие и ничтожные люди.*

*С этой целью нацисты отобрали 101 солдата, большинство которых были родом из Узбекистана, и не давали им еды. Когда приехали немецкие операторы, военнопленным, истощенным от голода, кинули буханку хлеба в надежде, что они бросятся на нее и будут драться. Однако все получилось не так, как задумывали.*

*Узники концлагеря по-узбекски стали делить буханку хлеба и передавать друг другу по цепочке крошечные кусочки. Немцы были в ярости. Пленных жестоко избили, а затем расстреляли. Таким образом, чудовищная затея Геббельса провалилась.*

*Этот эпизод стал примером достоинства и благородства не только узбекского, но и всех народов, боровшихся с фашизмом, поэтому, по задумке сценариста, лег в основу будущего фильма.*

*Нидерландец Ремко Рейдинг хотел сохранить память о героях Второй мировой войны. В прошлом году он приезжал в Самарканд, чтобы восстановить имена погибших воинов и найти их родственников.*

**Замира БАЛТАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

**На снимках:** *кадры из художественного фильма «101».*

*Самаркандская область.*

Postda
На посту

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ТЕКИН ПИШЛОҚ ФАҚАТ ҚОПҚОНДА БЎЛАДИ

**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани судида замонавий телекоммуникация билан боғлиқ бўлган ғайриоддий жиноят иши кўриб чиқилди. Мазкур жиноятни тавсифлашдан аввал шлюз қурилмаси ҳақида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.**

## ШЛЮЗ ЎЗИ НИМА?

Шлюз – турли маҳаллий ва халқаро тармоқлар бирлигини таъминловчи қурилма ёки дастурий восита. Шлюз кучли ҳимояланган боис асосан маълумотлар жўнатишда фойдаланилади. Уни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ҳам, олиб чиқиш ҳам тақиқланган.

## ДАРОМАД ИЛИНЖИДА

Равшан *(воқеа иштирокчиларининг исмлари ўзгартирилган)* ҳаётда кўп қийинчиликларни кўрган. Лекин бир оз соддалиги, ишонувчанлиги ҳам бор. Иши ҳам оддий: пайнетда ишларди. Ҳар куни қанчадан-қанча одам билан муомалада бўлар, баъзилари билан тез-тез кўришавериб, таниш-билиш бўлиб кетганди. Али ҳам ана шундайлардан бири эди.

Бир куни Али Равшанга унда шлюз аппарати борлигини, вақтинча уникида тура туришини сўраб, эвазига ҳар ойда бир миллион сўм бериб туришини ваъда қилади. Равшан шлюз ускунаси нима эканини тушунмай, уни ўзича интернет тарқатувчи Wi-Fi роутер бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин яқиндан танимаган одам ўз-ўзидан қимматбаҳо техникани ишониб топшираётгани уни бироз ўйлантириб қўяди. Али Равшаннинг иккиланаётганини сезиб, дарҳол унга 400 минг сўм бериб, «Бу хамир учидан патир», деб қўшиб қўяди.

Оиладаги моддий жиҳатдан ночорлик Равшанни анча чўктириб қўйган эди. Айниқса, руҳий хаста онаси ва синглисига қараб юраги эзиларди. Уларнинг дори-дармонларини вақтида етказиб турмаса бўлмайди. Бир ёқда икки нафар фарзанд, рўзғор харажатлари... Бир зумда шуларнинг бари кўз олдидан ўтади. «Уйнинг бир бурчагида тура турса, мендан нима кетди», деб рози бўлади.

– Мана бу бошқа гап! Ҳали бирга ишласак, умуман пулга муҳтожлигингиз қолмайди, – деб у билан қўл бериб келишади Али.

Равшан Алидан олган «GSM-шлюз» аппаратини уйига олиб боради ва уни ишлатиб қўяди.

Али гоҳ-гоҳида Равшаннинг олдига бориб, 30–40 тагача телефон рақамларга пайнет орқали пул тўларди.

– Бунча кўп рақам? – деб сўради бир куни Равшан.

– Ишчиларга тарқатамиз-да, – деб жавоб берди Али ундан кўзини олиб қочиб.

– Майлику-я, ишчиларингизга тез-тез шундай саховат қилиб турасиз-да, – деди Равшан.

– Сенинг ишингни баракасини берсин деяман-да, – деб гапни қисқа қилди Али.

«Чинданам, менга нима? Пулини бериб кетяпти-ку», дея ўзига ўзи ғудранди Равшан унинг ортидан қараб.



## ХОЛИСЛАР ИШТИРОКИДА

Ўзбекистон Республикаси ДХХ ва бошқа органлар томонидан ўтказилган тадбирда Равшаннинг хонадонидан номаълум сигналлар аниқланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари холислар иштирокида унинг хонадонига кириб, суриштирув ишлари олиб боришади. Равшандан хонадонида ноқонуний равишда қандай турдаги нарсалар сақлаётганини сўрашади.

– Бир танишим берган аппарат бор, холос, бошқа ҳеч нарса сақламайман, – дейди Равшан. Хонадон кўздан кечирилганда эса балконда турган сандиқ ичида қандайдир электр қурилманинг чироқлари ёниб ўчиб, ишлаб турганига гувоҳ бўлишади.

Шундай қилиб, унинг хонадонидан хорижда ишлаб чиқарилган 5 дона 32 каналли «GSM-шлюз» ускунаси, 1 дона Wi-Fi роутер, 2 дона интернет узатувчи свиг аппаратлари, шлюз аппаратларини улашга мўлжалланган электр сим, антенналар ва бошқа керакли анжомлар ашёвий далил тариқасида олинади.

## МУТАХАССИС НИМА ДЕЙДИ?

Судда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг ахборот хавфсизлиги бўлими мутахассиси Жавоҳир Одилов қатнашди.

– Шлюз аппаратининг битта ўзини ишлатиб бўлмайди, – деди мутахассис. – Бир нечта шлюз аппарати бўлгандагина алоқа амалга оширилади. Бошқа бир давлатда ўрнатилган шлюз аппарати орқали халқаро алоқалар амалга оширилади. Қайсидир хорижий мамлакатдан интернет орқали юборилган чақирувни шлюз аппарати қабул қилиб, маълумотларни қайта ишлайди ва мобил ёки бошқа телефонларга оддий қўнғироқ сифатида юборади. Буларнинг барчаси фойдаланувчи учун умуман сезилмас даражада амалга ошади ҳамда локал тармоқда ишлашдан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Мобил ёки бошқа телефонларга юборилган қўнғироқлар қаердан бўлаётганлигини аниқлаб бўлмайди, яъни «Шлюз» орқали алмашинаётган маълумотларни аниқлашнинг имкони йўқ. Бу эса давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан қонунга зид. Бундан ташқари, интернет трафикларидан ноқонуний фойдаланиш оқибатида давлатга моддий жиҳатдан анча-мунча зарар етказилиши мумкин.

## ҲУКМ

Судланувчи Равшан айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Унинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилавий аҳволи жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳоланди ва 3 йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди. Шунингдек, судда иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган техника аппаратлари ва бошқа анжомлар тегишли тартибда давлат эгалигига ўтказилди.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

Мутафаккир шоир Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг» достонида ёзади:

*Ёмондан ошна тутма,*
*зинҳор йироқ тур,*
*Ёмон дўст сени*
*йўлдан оздиради.*
*Ўзинг эзгу отли*
*бўлайин десанг,*
*Ёмонга қўшилма,*
*ҳушёр бўл, ўйла.*

Дарҳақиқат, синалмаган инсонни дўст тутиш мана шундай юзи қораликка, билиб-билмай хато ишларга бош қўшиб қўйишга сабаб бўлади. Қолаверса, осон йўл билан топилган даромад ҳеч кимга роҳат бағишламайди. Ахир, халқда нақл ҳам бор-ку: «Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади!»

**Мусо ЮСУПОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани суди судьяси.**

МУЛОҲАЗА

# УРСАНГ ЭТИ ҚОТАДИ, УРУШСАНГ БЕТИ...

**Болани ҳаёт дея аталмиш катта йўл бошида турибди, деб тасаввур қилинг. Унинг кейинги тақдири қандай кечиши айнан болалик даври қандай ўтишига боғлиқ. Маълумотларга қараганда, ҳар йили 30 миллиондан ортиқ бола оиласида турли кўринишдаги зўравонликларга дуч келаётган экан. Бу эса уларнинг қалбида, руҳиятида ўчмас жароҳат қолдирмоқда.**

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилада болаларга нисбатан зўравонлик ишлатилишига бир қанча омиллар сабаб бўлади. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз. Ота-онанинг ажрашиши боланинг нозик қалбини жароҳатлайди. Фарзандлар ота ёки она билан қолишидан қатъи назар, унинг зўравонликка дуч келиш эҳтимоли тўкис оиладагига қараганда юқори бўлади. Мабодо оилада ўгай она ёки ўгай ота пайдо бўлса, аксар ҳолларда бунинг эҳтимоли янада ортади. Шунинг учун мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Халқимизда «Мастдан ҳатто ит қўрқади» деган нақл бор. Агар оилада ота ичкиликка ружу қўйган бўлса, онанинг ҳам, болаларнинг ҳам шўри. Улар арзимас сабабдан, ҳатто бесабаб ҳам калтак еб қолиши ҳеч гап эмас. Мабодо ҳам ота, ҳам она ичкиликбозликка муккасидан кетган бўлса, болаларни зиндонда яшайди, деб тасаввур қилаверинг.

*Нотинч оилаларда ҳам кўпинча ота ёки она аламини боласидан олади. Шунинг учун профилактика инспекторлари ўз хизмат ҳудудида қайси оила нотинч, жанжалкаш эканлигини, ким спиртли ичкиликка ружу қўйганини яхши билиши, маҳалла фаоллари, кўпни кўрган қариялар билан бирга бунинг сабабларини ўрганиб, тезда бартараф этиш чораларини кўриши лозим.*

Моддий қийинчиликлар ҳам оилавий жанжалларга, пировард натижада болаларнинг қалби зада бўлишига, баъзан эса зўравонликка дуч келишига сабаб бўлади. Чунки боласининг оддий эҳтиёжларини ҳам қондира олмаган ота-она ўзининг хўрлиги келиб, гоҳида фарзандини ҳақорат қилиши, уни дўппослаб туриши ҳам мумкин. Бундай оилаларга кўмак бериш маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳам, профилактика инспекторининг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Руҳшуносларнинг таъкидлашича, жисмоний ёки руҳий зўравонлик, тазйиқ остида улғаядиган бола қаттиқ сиқилади, ўзини ҳеч кимга кераксиз ҳис қилади. Унинг ўзига ишончи йўқолади. Аламзада бўлиб юради. Бора-бора жиноят кўчасига киради, спиртли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси истеъмол қилади. Уларнинг аксарияти жамиятда ўз ўрнини топа олмайди. Ҳатто тушкунликка тушиб, ўз жонига қасд қилишгача бориши мумкин.

Бизнингча, болаларга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш ҳолларини аниқлашда мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ролини ошириш керак. Ҳар ҳолда боланинг кўзи кўкаргани, юзи моматалоқ бўлгани, қўли қаварганини пайқаш қийин эмас-ку. Бундай ҳол такрорланаверса, демак бола оиласида калтак еган бўлади. Бу ҳақда ҳудудий профилактика инспекторига хабар берилса, боланинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қолаверса, ўша оиладаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилади. Қарабсизки, жиноят содир этилишига шарт-шароит яратувчи омиллар бартараф қилинади, жиноятчиликнинг барвақт олди олинади. Ахир, давлатимиз раҳбарининг ҳам талаби шу эмасми?!

**Бобомурод ТОШЕВ.**
**«Postda» мухбири.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# РЎЗАДАН КЕЙИН ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ



**Мана, ойлар шоҳи бўлмиш муқаддас Рамазон ҳам ўз якунига етди. Аксарият юртдошларимиз бир ой давомида овқатдан тийилгани боис, эндиликда ўз организмини кучли, ўта калорияли ва ёғли таомларни истеъмол қилиш орқали куч-қувватга тўлдириш керак, деб ўйлашади. Аммо бу нотўғри фикр. Рўзадан кейин бирданига тўйиб овқатланиш нафақат ичаклар иш фаолиятини бузади, балки ошқозонда муаммолар келтириб чиқаради. Натижада ортиқча калориялар тўпланишига, семиришга, организмнинг зўриқиши ва қийналишига олиб келади.**

Табобат илмининг султони Абу Али ибн Синонинг таъкидлашича, «касаллик оғиздан киради». Демакки, нотўғри овқатланиш инсон умрининг қисқаришига, турли касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Мутахассислар фикрича, меъёрдан ортиқ таом истеъмол қилиш ва камҳаракатлилик қон босими, қандли диабет, инсульт, миокард инфаркти, буйрак ва меъда-ичак тизими аъзолари хасталикларни келтириб чиқарар экан.

Соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан бири тўғри овқатланишдир. Шундай экан, рўза тутилганидан кейин танамизга чинакам куч-қувват бағишлаш учун юқори калорияли таомларни тановул қилиш эмас, биринчи галда, тўғри овқатланишга эътибор қаратиш лозим. Кун давомида 2–3 маҳал ҳаддан ортиқ тўйиб эмас, балки 5 маҳал оз-оздан ва тез-тез овқатланиш мақсадга мувофиқдир. Таомни ҳар куни сутканинг муайян қисмида ва маълум бир вақтда истеъмол қилиш, шунингдек, яхшилаб чайнаб еган маъқул. Овқат оғиз бўшлиғида қанча кўп чайналса, ошқозонда шира шунча кўп ажралиб чиқади ва овқат ҳазм қилиш жараёни енгиллашади.



Таркибида ёғ ва шакар миқдори кўп бўлган маҳсулотлар, газланган ва шарбатли ичимликлар, чипслар, ҳар қандай қайта ишланган гўшт маҳсулотлари ҳамда бошқа кўплаб сунъий таъм, ранг ва шакл берилган озуқаларни истеъмол қилишни чекланг. Тана саломатлиги учун асосан турли витаминлар, оқсил ва углеводлар, кальций, натрий, магний, калий, фосфор, йод, темир моддаларини ўзида жо этган сабзавотлар, янги узилган мевалар, сут маҳсулотлари, гўшт, парранда, балиқ, тухум, дуккакли ўсимликларни ейиш тавсия этилади.

Шунингдек, ҳар бир инсон ўз организми сувсизланишининг олдини олиш учун кунига 2–2,5 литр миқдорда суюқлик ичиши лозим. Сув моддалар алмашинуви жараёнини тезлаштиради, организмни ёшартириб, тери таранглигини таъминлайди. Сув ичишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Мутахассислар организмдаги сув мутаносиблигини ушлаб туриш ва чанқоқни қондириш учун ичимликлар эмас, балки айни сувни истеъмол қилишни тавсия этишади. Энг муҳими, овқат пайтида суюқлик ичмасликдир. Бу ошқозонда таомнинг бўкиб қолиши, қийин ҳазм бўлиши ва оқибатда вазн ортишига сабаб бўлади. Сувни овқатдан ярим соат аввал ва 40–45 дақиқа ўтиб ичиш саломатлик учун муҳимдир.

Бир сўз билан айтганда, тўғри овқатланиш ҳар қандай касаллик профилактикаси ҳамда саломатлик ва куч-қувват гаровидир. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзига амал қилган ҳолда, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари истеъмолидан, турли зарарли одатлардан воз кечинг. Кўпроқ тоза ҳавода сайр қилишни ва спорт билан шуғулланишни унутманг!

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**

# ЁЗ ЭШИК ҚОҚМОҚДА...

**Ёз фасли яқинлашгани сайин соғлом турмуш тарзи қоидаларига тўла риоя этиш ҳар қачонгидан долзарбдир. Айниқса, иссиқ кунларда овқатланиш ва у билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқмаслиги учун баъзи қоидаларга риоя қилиш тавсия этилади.**



Масалан, одамлар қиш, баҳор фаслларидан ёзги мавсумга ўтишда кийинишини ўзгартиргани сингари овқатланишда ҳам мос рационни кўриб чиқиши лозим. Бунда таом таркиби, миқдори ва сифати иссиқ иқлимга мослаштирилиши керак. Овқатланишда рациондаги оқсилларнинг умумий миқдори 15 фоиздан ошмаслиги талаб этилади. Оқсил манбаи ҳисобланган қўй, мол, парранда гўштлари ҳамда балиқ маҳсулотлари сут-қатиқ билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ. Сут, қатиқ, сузма ва бошқа шунга ўхшаган маҳсулотларда ҳам организмга керак бўладиган оқсиллар мавжуд. Улар организмни керакли моддалар билан талаб даражасида таъминлаб туриши мумкин. Мавсумда сергўшт, қовурилган, ёғли ва дудланган таомларни истеъмол қилишдан бироз чекланмаса, танада кислота кўпаяди. Ёз кунлари ширинлик ва пишириқлар истеъмолини ҳам бирмунча камайтирган маъқул. Уларнинг ўрнига турли-туман мева, полиз маҳсулотлари истеъмол қилишни кўпайтириш фойдалироқдир.



Шунингдек, жазирамада энг кўп истеъмол қиладиганимиз – сув. Чанқаганда совуқ сув ичиш ўрнига асосий эътиборни кўк чой ва ҳар хил ўтлардан тайёрланган экстрактларга қаратиш керак. Чунки улар организмдаги чанқоқни узоқроқ қондириб туриш хусусиятига эга. Айниқса, бу нарса ёз кунлари жисмоний фаолият билан кўпроқ шуғулланадиган одамларга тегишли. Чунки уларнинг организми бошқаларга нисбатан кўпроқ сув йўқотади. Иссиқ кунларда спиртли ичимликларни, қора чой ҳамда кофе ичмаган маъқул. Шунингдек, газли, ширин ичимликлар ҳам чанқоқни қондиришга ярамайди.

Яна шу нарса муҳимки, ёзги овқатланишда истеъмол қилинадиган турли таомлар миқдори, масалан, шўрва, палов, лағмон, чучвара ва бошқалар одатдагидан бироз кам бўлгани маъқул. Аксинча, ёз кунлари ниҳоятда тўйиб овқатланиш ошқозон-ичак функциясининг бузилишига олиб келишини унутмаслик лозим. Иштаҳани «жиловлаб» туриш учун ёзда нонушта, тушлик ва кечки овқатлар орасида камида 2 марта мева ва полиз маҳсулотларидан тамадди қилган маъқул.

Соҳа мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ҳафтада бир кун аниқ бир белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан енгил овқатланиш, яъни парҳез таомланиш саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга экан. Бундай пайтлари кун давомида бўлиб-бўлиб фақат 1–1,5 литргача қатиқ ичилади ёки 2,5–3 килограммгача тарвуз ёки шунча миқдордаги бодринг, олма ва бошқа мевалар истеъмол қилинади. Бундай парҳез ортиқча вазн ёки семизлик таъсиридан азият чекувчилар учун айниқса асқатади. Уни имкон қадар дам олиш кунларига белгилаган маъқул. Бу жараён ҳаммада ҳам силлиқ ўтавермайди, айрим кишиларда бош айланиб, қайт қилиш, беҳузур бўлиш ҳоллари кузатилади. Бунда парҳез дарҳол тўхтатилиши керак.

Таом тайёрлашда масаллиқларнинг эскирмаганига эътибор қаратиш муҳим. Бизнинг шароитимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг юқори ҳарорат таъсирида айниши, бузилиши туфайли заҳарланиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Ёз кунлари қиймаланган гўшт, балиқ, калла-почалардан тайёрланган сомса, котлет, чучвара, мантилар истеъмолида ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. Уй бекаларимиз қиймаларни бевосита таом пиширишдан олдин тайёрлашса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Муқаддас ОРИФЖОНОВА тайёрлади.**

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши ички ишлар органлари фахрийси, истеъфодаги подполковник

**Кошербай НАЗАРБАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ЗДОРОВЬЕ

# Соленое, сладкое, острое, кислое...



Если вдруг организм поменял пристрастия, возможно, ему чего-то не хватает.

Тяга к *сладкому* возникает неспроста. Так организм просит глюкозу, чтобы восстановить силы после стресса. А если хочется именно шоколада? Значит, не хватает магния! Его, кстати, много в пшеничных отрубях, орехах и бобовых.

Второй по популярности вкус – *соленый*. Этот сигнал: организму не хватает воды или он просит заесть стресс. Соленое работает так же, как и сладкое!

Страсть к *копченому*? Вам нужны полезные жиры! Их много в красной рыбе, орехах и авокадо. А вот если, наоборот, хочется вредных жиров, то это от недостатка кальция. Лучше съесть брокколи, немного петрушки или горсть кунжута.

Хочется *кислого*? Съели много квашеной капусты? Иммунитет требует витамина С.

Самый тревожный признак, если постоянно хочется *острого*. Это «сообщение от желудка». Ему трудно переваривать пищу, поэтому он просит стимуляции или устал от неправильного питания. Организм пытается очистить сосуды от вредного холестерина. Пора пересмотреть свой рацион.

# Щавель – «живая» аскорбинка



**Пусть он не рекордсмен по количеству полезных веществ, но наше питание постоянно испытывает их дефицит.**

Щавель полезен тем, что удивительным образом сочетает в себе элементы, характерные для продуктов растительного и животного происхождения. В нем содержится много каротина (β1) и рутина, микроэлементов железа, фосфора, фтора.

Щавель – главный компонент зеленых щей. Это блюдо – кладезь микроэлементов и витаминов, особенно полезно тем, кто страдает лишним весом.

Для приготовления зеленых щей понадобятся щавель, крапива, зеленый лук. Крапиву надо перебрать, промыть в холодной воде, варить до мягкости. Отваренную, откинуть на дуршлаг, протереть на терке или пропустить через мясорубку. Щавель перебрать, промыть, крупные листья разрезать на более мелкие части. Зеленый лук нарезать и немного потушить.

В кипящий овощной или мясной бульон или просто воду опустить очищенный и нарезанный картофель, нашинкованный щавель. Варить 10 минут. Затем добавить полученное пюре из крапивы. В конце варки положить обжаренный лук, поперчить, посолить.

Зеленые щи подаются в горячем виде, приправленные сметаной, с половинкой вареного куриного яйца, порубленной зеленью укропа и петрушки.

Приятного аппетита!

# Что снижает иммунитет




## Группы крови

| Группа | Вы можете стать донором для: | Вам подойдет: |
|---|---|---|
| II+ | II+, IV+ | II+, II-, I+, I- |
| I+ | I+, II+, III+, IV+ | I+, I- |
| III+ | III+, IV+ | III+, III-, !+, I- |
| IV+ | IV+ | Любая |
| II- | II+, II-, IV+, IV- | II-, I- |
| I- | Любая | I- |
| III- | III+, III-, IV+, IV- | III-, I- |
| IV | IV+, IV- | IV-, II-, III-, I- |

## Плюсы от употребления сушеного инжира




# Главное – не навредить!

**Чтобы не набрать лишний вес и не испортить пищеварение после окончания поста во время священного месяца Рамазан, нужно придерживаться нескольких простых правил.**



Важно не навредить организму в первые три недели после выхода из поста. В это время замедленный метаболизм должен вернуться в свое нормальное состояние. Обмен веществ происходил медленнее по причине редких приемов пищи, ведь постящемуся приходилось есть один или два раза в сутки.

Ускорить метаболизм можно двумя способами: потреблением чистой воды – порядка 2–2,5 литров в день и регулярными пешими прогулками быстрым шагом.

Главное – сразу после выхода из поста не употреблять в пищу выпечку из белой муки и сладости. Эти продукты на фоне замедленного метаболизма приведут к резкому набору массы тела.

Оптимальным вариантом перехода является трехразовое питание, обогащенное овощами, в том числе фасолью, а рацион должен включать не жареное мясо и молочную продукцию – кефир, айран, а также супы.

В перерывах между приемами пищи следует делать перекусы фруктами и сухофруктами. Богатая клетчаткой и микроэлементами пища содействует ускорению работы пищеварительной системы. Но в то же время злоупотреблять этими продуктами не следует.

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**

СОСТАВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ

# Опиумный мак на самаркандской земле

**На земельном участке пожилого мужчины обнаружены наркотикосодержащие растения. Факт незаконного культивирования был выявлен сотрудниками органов внутренних дел в ходе проведения специального мероприятия «Черный мак-2020».**



Сотрудниками Джамбайского РОВД было установлено, что во дворе дома 96-летнего Г. Т., расположенного в селе Горовтепа Джамбайского района, выращиваются 122 стебля наркотикосодержащего растения «опиумный мак», которые были изъяты в установленном порядке в присутствии понятых.

По данному факту следственным отделом Джамбайского районного отдела внутренних дел возбуждено уголовное дело.

В настоящее время предварительное следствие по уголовному делу продолжается.

**Соб. корр.**
*Самаркандская область.*

# ОБВИНЯЮТСЯ В СОДЕРЖАНИИ ПРИТОНА



**Слово «притон» имеет несколько значений. В нашем случае оно означает одно – место, характеризующееся продажностью и моральным упадком, где обитают лица низкой социальной ответственности, ведущие себя порочно и, к огромному сожалению, не видящие в этом ничего дурного.**

Не так давно сотрудниками ОВД №7 УКД ОВД Яшнабадского района города Ташкента в ходе проведения оперативных мероприятий был выявлен притон разврата.

Уже, так сказать, далеко немолодая гражданка М. Л. (1963 года рождения) по предварительному сговору с особой более юного возраста – гражданкой Х. К. (1994 года рождения) организовали и содержали притон в одной из квартир дома, расположенного по улице Захидова. Женщины взяли с «клиентов», желавших поскорее и непременно «уединиться», 50 тыс. сумов.

По данному факту возбуждено уголовное дело по ч. 3 ст. 131 («Сводничество или содержание притонов») Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Ведется предварительное расследование.

**Радик ТУМПАРОВ,**
**корреспондент**
**«На посту».**

# Попались с поличным

**В Ходжаабадский РОВД поступила оперативная информация о том, что неизвестные собираются совершить разбойное нападение на предпринимателя, проживающего в махалле Ипакчи вышеназванного района, с целью хищения крупной суммы денег.**



Сотрудники отдела уголовного розыска РОВД устроили засаду в доме предпринимателя.

Поздно ночью трое неизвестных, в масках, вооруженные ножами, перелезли через дувал. Сотрудники задержали их с поличным во время попытки проникнуть в дом. У злоумышленников изъяли маски и ножи.

В ходе предварительного расследования было установлено, что задержанные являются жителями Булакбашинского района.

В отношении подозреваемых возбуждено уголовное дело. Проводятся следственные мероприятия.

# Доехал до Ферганы…

Что побудило жителя Джалакудукского района А. Х., проживающего в махалле Достонобад, угнать автомобиль «Дамас», принадлежащий его знакомому, пока неизвестно. То ли отсутствие междугороднего сообщения в связи с объявленным карантином, а, может, желание покататься на чужом автомобиле…



Причины придется выяснять следователям, так как в отношении угонщика возбуждено уголовное дело. Проводятся следственные мероприятия.

Дело было так. Увидев автомобиль «Дамас», оставленный без присмотра – хозяин зашел в магазин, А. Х. заглянул в кабину. Ключи торчали в замке зажигания. Недолго думая, парень сел за руль и нажал на газ.

Обнаружив пропажу автомашины, пострадавший обратился в органы внутренних дел.

Угнанный автомобиль был обнаружен в махалле Беруний города Ферганы, а угонщик задержан.

# Похитители нефти

**В Андижанском районе выявлены похитители нефти. Подозреваемые в краже горючей жидкости из нефтепровода были задержаны с поличным сотрудниками отдела уголовного розыска Андижанского РОВД.**



В преступную группу входили пять человек, все жители данного района. В момент задержания они перекачивали нефтепродукты из нефтепровода, проложенного под землей, в полиэтиленовые мешки с целью их дальнейшей транспортировки и продажи. Всего было изъято 35 мешков, наполненных нефтью, 30 пустых мешков и 8 метров резинового шланга. Злоумышленники нанесли предприятию «Андижанпетро» ущерб в размере 10 миллионов 500 тысяч сумов.



В отношении подозреваемых возбуждено уголовное дело по пункту «г» ч. 3 ст. 169 и пункту «б» ч. 2 ст. $255^2$ Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Проводятся следственные мероприятия.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Андижанская область.*

## 1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

**Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Қалби беғубор орзу-умидларга, қувончу шодликларга тўла жажжи болажонлар дилларимизга сурур бағишлайди. Айниқса, ишдан ҳориб келганингда, биргина табассуми, ўзига ярашадиган эрка қилиқлари бор чарчоқларингни ёзади. Касбинг, лавозиминг қандай бўлишидан қатъи назар, унга қўшилиб, бир зумда болага айланасан-қоласан…**

**1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг фарзандлари саҳифамиз меҳмони бўлишди.**



**Ойдиной ТОШТЕМИРОВА:**

– Расм чизиш – энг севимли машғулотим. Бу менга оиймдан ўтган бўлса керак. Чунки у жуда чиройли расм чизади. Дадам эса энг яхши баҳо берувчи мухлисим. У осойишталик посбони, Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасида ишлайди, катта лейтенант Камолиддин Жўраев. Дадамнинг бўш вақтлари жуда кам бўлади. Аммо қизиқишларимга бефарқ эмас. Буни ҳар сафар қалам, бўёқ сингари керакли нарсаларнинг энг сараларидан олиб келишидан биламан. Дадамга баҳор, гуллар, меваларни тасвирлаган расмларим жуда ёқади. Ҳа, айтганча, яқинда унинг ишхонасидаги танловда иштирок этиб, Ўзбекистон байроғини чизиб ғолиб бўлдим. Ўшанда дадамнинг иш столи устида чизган атиргулларимни ҳам кўриб қолдим. Мен чизган гуллар дадамнинг иш столини безаб турганидан жудаям хурсанд бўлдим.



**Латофат АРСЛОНОВА:**

– Дадам Жиззах вилояти ИИБ ходими, катта сержант Бекзод Алижонов. У ўғриларни тутади. Эрталаб кетиб, қоронғида келади. Дадамни соғинаман. Менга ҳар хил нарсалар олиб келади. Туғилган кунимга айиқча, торт олиб келган. Байрамларга оборади.

«Аскар бўламан», деган қўшиқни биламан, боғча опам ўргатган. Акам катта бўлса, аскар бўлмоқчи, мен эса ўқитувчи бўламан. Ўқувчиларнинг дафтарларини текшириб, фақат «беш» баҳо қўяман.

**Шерзодбек ҚЎЧҚОРОВ:**

– Дадамга жуда ҳавасим келади. У Фарғона вилояти ИИБ Кадрлар бошқармасида ишлайди, катта лейтенант Шухратжон Раимбердиев. Эрта тонгда хизмат киимини кийиб ишга кетади. Формаси ўзига жуда ярашиб туради. Кўчада ўртоқларим: «Сенга мазза, чунки даданг ички ишлар органлари ходими, улар жасур ва қўрқмас бўлишади» деб ҳавас қилишади. Катта бўлсам, дадамга ўхшашни хоҳлайман. Бир куни ишдан келганида: «Дада, мен ҳам катта бўлсам, сизга ўхшагим келяпти, сиз кучлисиз, ҳамма сизни ҳурмат қилади», деб айтдим. Дадам: «Ниятинга ет, ўғлим», дея ғурурланди.

Яқинда туғилган кунимда дадам менга «Супер қаҳрамон» эмас, бир даста китоб совға қилди.

– Сен мана шу китобларни ўқисанг, албатта, менга ўхшаб ички ишлар органи ходими бўла оласан, – деди дадам.



**РЕКЛАМА**

*Сериал орасида*
*Реклама бўлиб қолди.*
*Бувимнинг жаҳли чиқиб,*
*Бизларни қувиб солди.*
*Тўғри-да, қизиқ жойда,*
*Киноси тўхтаб қолди,*
*Реклама тугаганда…*
*Бувим-чи… ухлаб қолди.*

**Нилуфар КАРИМОВА,**
**Гулистон шаҳридаги**
**7-мактабнинг**
**5-синф ўқувчиси.**

**Адолат ФАЙЗИЕВА тайёрлади.**

## ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА




*Ҳурматли муштарийлар, карантин даврида мамлакатимиздаги босмахоналар вақтинча фаолияти кўрсатмагани сабабли бошқа кўплаб матбуот нашрлари каби, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририятининг «Qalqon – Щит» журнали ҳам ўз вақтида чоп этилмади. Ниҳоят, карантин талаблари юмшатилиши боис босмахоналар яна иш бошлади ва сизнинг севимли нашрингиз – «Qalqon –Щит» журналининг жорий йил апрель сони нашрдан чиқди.*

*Журналнинг навбатдаги сонида сиз, журналхонлар севиб мутолаа қилишингиз мумкин бўлган кўплаб қизиқарли материаллар ўрин олган. Жумладан, «Фуқароларнинг конституциявий ҳақ-ҳуқуқлари янада самарали таъминланади», «Амир Темур фаолиятининг ички ишлар органлари ходимлари учун аҳамияти», «Волга қирғоғидаги мардлик», «Плодотворный визит», «Капитан Мирзаев ишга киришди», «Об этом нельзя молчать» сарлавҳали мақолалар кўпчиликда қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Булардан ташқари, «Шериф полициячидан қандай фарқланади?», «Оламни ларзага солган Лангар», «Лоқайдлик ёхуд ичимиздаги душманни енгишга қодирмиз(ми)?», «Қўлида кемаси бор қотил», «Мени қутқар, хотин!» сингари материаллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслиги табиий.*










**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –
mayor Azizjon FAYZIYEV
leytenant Aziza BAHODIROVA

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Jahongir SHAROFBOYEV

Navbatchilar –
katta leytenant
Inomjon RAHIMXO'JAYEV
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo'yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355
9 772010 535001

Tahririyat
hisob raqami
20210000900447980001.
Bank kodi 00420.
ATIB
«Ipotekabank»ning
Mirobod
filiali.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4166.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 57 139 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:
100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.